167

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (2458). | 27 август, сешанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ИНСОН МЕҲНАТДА ТОБЛАНАДИ

Инсон меҳнатсиз яшай олмайди. Одамзод яратилибдики, меҳнат билан машғул. Меҳнат унга ҳар қадамда кўмакдош ва йўлдош. Меҳнатсиз эса ҳаётнинг ўзи ҳам бўлмайди, у маънисиз бир нарса бўлиб қолади. Шу боисдан: меҳнат жамият тараққиётининг, инсон тафаккурининг асосидир, деб айтамиз.

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда меҳнат алоҳида аҳамият касб этмоқда. Биз «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк коммунистик принципни амалга оширмоқчимиз. Лекин бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун миллион-миллион совет кишиларининг катта куч-ғайрати, сабот ва матонати, фидокорона меҳнати талаб қилинади.

Коммунизм қуриш меҳнат билан мустаҳкам боғланган. Бу икки тушунча бир-бири билан шу қадар узвий равишда боғланганки, уларнинг бирини иккинчисисиз сира тасаввур қилиб бўлмайди. Бу фикр КПСС Программасида ҳам ўз аксини топган. Программада айтилишича, **«коммунизм — эркин ва онгли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамиятидир, бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёж, англанган зарурият бўлиб қолади, ҳар бир кишининг қобилияти унинг халққа энг кўп фойда келтиришини кўзлаб ишга солинади».**

Мамлакатимизда коммунизмнинг муваффақиятли равишда қурилиши миллионларча кишиларнинг меҳнатига, жамиятимиз аъзолари онгининг юксаклигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия совет кишиларини коммунистик ғоялар руҳида, меҳнатни севиш ва қадрлаш руҳида тарбиялашни, уларнинг онгини оширишни асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Инсониятга порлоқ истиқбол йўлини очиб берган социалистик жамиятда меҳнат мардлик, қаҳрамонлик ва шон-шараф иши бўлиб қолди. Совет кишилари ўртасида кенг йўлга қўйилган социалистик мусобақа чинакам меҳнат билан шуғулланишнинг ажойиб формасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездининг тарихий қарорлари, КПСС Программаси, шунингдек партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида белгиланган улкан режалар бутун мамлакатда бўлгани сингари областимизда ҳам социалистик мусобақани янгидан, янада кучли суръатда кенг қулоч ёйдириб юборди. Социалистик мусобақанинг янги шакллари вужудга келди ва улар ҳозирги замонга мос, янгича мазмун билан бойитилди. Коммунистик меҳнат бригадалари ҳамда зарбдорлари ҳаракати бунга мисол бўла олади.

Ана шу ҳаракатда, яъни **чинакам меҳнат дошқозонида ажойиб кишилар етишиб чиқмоқда. Коммунистик меҳнат уларни тоблаб чиниқтираётир, янги ва янада порлоқ жамиятда яшашга мослаштирмоқда, уларда коммунизм кишисига хос олижаноб ҳислатларни тарбиялаб етиштирянти. Надежда Григорьевна Заглада, Николай Мамай, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Люба Ли, Ризамат ота Мусамуҳамедов ва бошқа минглаб кишилар бутун эл-юрт ҳурматига, иззат-икромига сазовор бўлган эканлар, довруғлари тилларда достон бўлган экан, буларнинг ҳаммаси севикли Ватан бахт-саодати йўлида қилинган қаҳрамонона меҳнатнинг натижасидир.** Чинакам меҳнат туфайли уларнинг обрўси ортди, мартабаси улуғ бўлди, бахти кулиб боқди. Шунинг учун ҳам халқимиз: «Меҳнат қилсанг, кам бўлмайсан» деб ҳақ гапни айтади.

Меҳнат инсонни юксакликларга кўтарганини, шон-шуҳрат ва бахт-саодат келтирганлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп.

Оҳангаронлик машҳур винокор Самад Раҳмонов илгари кўпларга маълум эмас эди. Ҳозир эса уни ҳамма танийди. Бунга унинг меҳнати сабаб бўлди. Чинакам ижодий меҳнат бу одамни юзага чиқарди, уни элга танитди. Ўртоқ С. Раҳмонов Ўрта Осиёда энг йирик ёқилғи электростанцияси — Оҳангарон ГРЭС қурилишида фидокорона меҳнат қилиб, уч марта коммунистик бригада ташкил этди. Ўзи бўлса оддий ишчидан новатор даражасига кўтарилди. Сўнгра ўз ташаббуси билан Оҳангарон цемент заводига келиб, бу ерда яна икки қолоқ бригадани бир ярим йил ичида коммунистик бригадага айлантирди. Ҳозир фахрий винокор ўртоқ С. Раҳмонов бошлиқ коммунистик бригада Сирдарё области марказидаги қурилишга ёрдам бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ўнлаб ёшлар уннинг қўли ва тарбияси остида коммунистик меҳнат зарбдорлари бўлишга, катта обрў орттиришга эришди.

Калинин бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг илғор сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мунавар Исоқова, «Қизил Ўзбекистон» колхозидан чиққан машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров, шунингдек янгийўллик таниқли маккажўхорикор Роза Отабоева, юқоричирчиқлик ака-ука новатор чўпонлар Аширмат ва Серикбой Эштоевлар ҳамда жуда кўп бошқа кишилар тўғрисида ҳам шу хилдаги гапларни айтиш мумкин.

Лекин ҳали орамизда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, текинхўрлик билан кун кечираётган, жамият ҳисобига яшаётган кишилар ҳам учраб туради. Улар элнинг саҳоватли баданидаги зарарли маразлар бўлиб, коммунизм қурилишига тўсқинлик қиладилар. Бизнинг жамиятимизда бундайларга сира ўрин бўлмаслиги керак.

Биз меҳнатни тарбия воситасига айлантиришга ҳамиша катта эътибор беришимиз лозим. Бунда донгдор кишилар билан учрашувлар, тематик кечалар, тарбиявий мавзуда қизиқарли лекциялар ўқиш, турли виставкалар уюштириш ва бошқа оммавий тадбирлар ғоят муҳим роль ўйнайди. Шунга эришайликки, бизнинг социалистик жамиятимизда меҳнат билан шуғулланмайдиган бironта ҳам киши қолмасин.

Кишиларни коммунизм ишига садоқат, меҳнатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда янги жамият кишисига хос олижаноб фазилатларни етиштириш — бутун партия, комсомол, совет, касаба союз ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг асосий бурчидир.

Инсон меҳнатда тоблана ва камол топаверсин! Бизнинг шнориміз ана шу.

Бирлашган Араб Республикасидан келган меҳмонлар

Бирлашган Араб Республикаси Социал ишлар министрлиги ходимларининг Бирлашган Араб Республикаси Социал ишлар министри Ҳикмат Абу Зайд хоним бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ранси Ё. С. Насриддинова 26 августда делегацияни қабул қилди. Дўстона суҳбат вақтида Ё. С. Насриддинова меҳмонларга Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг ривожланиши ҳақида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Саҳибоев, республика Социал таъминот министри В. Содиқова, Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари М. Иўлдошева бор эди. (ЎзТАГ).

Фотомухбирлар ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Тешабой ота Ҳакимжонов 30 йилдан буён сувчилик қилиб келади. Унинг қўлидан сув ичган карталардаги ғўзалар ҳар йили ҳам серҳосил бўлиб ўсади.

Ота бу йил ҳам I-«Далварзин» совхозининг 8-бўлимидаги ўртоқ К. Алимов бошчилик қилаётган бригадада ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бригаданинг 100 гектар майдондаги ғўзалари серҳосил, олинган план ва мажбуриятнинг бажарилишидан дарак бериб турибди. Суратда: Тешабой ота Ҳакимжонов пахтазорда.

А. Абалян фотоси.

Н. С. ХРУШЧЕВ СПЛИТДА

СПЛИТ, 24 август. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, Сплит кемасозлик заводида оммавий митинг бўлиб ўтди.

Митингда ўртоқ Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади.

Н. С. Хрушчев президент Иосип Броз Титога, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ҳукуматига ва бутун Югославия халқига қардошларча меҳмондўстлик учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди. У, кемасозлик заводининг ишчилари ва хизматчиларига ҳамда Сплит шаҳрининг барча меҳнаткашларига СССР ишчилар синфининг ва совет халқининг қардошлик саломини топширди.

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Югославияга қилинган саёҳат, деди Н. С. Хрушчев, югослав халқининг турмуши тўғрисидаги, мамлакатингизда социализм қурилиши тўғрисидаги билимларимизни анча кенгайтирди. Югославия билан танишиш натижасида олган асосий таассуротимиз шуки, югослав халқи фидокорона меҳнат қилиб, ўзининг порлоқ бахтли келажагини яратмоқда. Халқларимизни ҳаммадан кўра кўпроқ яқинлаштираётган, мамлакатларимиз ўртасида чинакам қардошларча дўстликка олиб келаётган нарса мана шунинг ўзидир.

Н. С. Хрушчев коммунизмнинг моддий техника базасини қуришда совет халқи эришган катта муваффақиятларни, капитализм билан иқтисодий мусобақага совет халқининг қўшаётган ҳиссасини гапириб берди. 1913 йилда, деди у, чор Россияси саноат маҳсулотини Америка Қўшма Штатларига қараганда тахминан саккиз баравар кам ишлаб чиқарганлиги, 1950 йилда АҚШда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти Совет Иттифоқидагига қараганда уч баравардан сал кўпроқ бўлди. Ўтган йил бизнинг саноатимиз ишлаб чиқарган маҳсулот АҚШ эришган даражанинг тахминан 63 процентини, қишлоқ хўжалик маҳсулоти эса қарийб 70 процентини ташкил қилди. Биз ўз планларимизга мувофиқ Америка Қўшма Штатларининг даражасига саноат ишлаб чиқариши соҳасида яқин 6—7 йил ичида эришишни мўлжаллаб турибмиз, 1980 йилга бориб эса АҚШ ишлаб чиқаришнинг абсолют миқёслари жиҳатидангина эмас, балки аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам бизнинг мамлакатимиздан орқада қолиб кетади.

Социалистик тузум хўжаликни америкаликлар орзу қила олмайдиган суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаётган. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайиши кейинги беш йил ичида бизнинг мамлакатимизда 48 процентни, Америка Қўшма Штатларида эса фақат 8 процентни ташкил қилди. Совет экономистларининг қилган ҳисобларига қараганда, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг абсолют ўсиши Совет Иттифоқида ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларидагига қараганда икки баравар ортиқ. Саноатнинг кўпгина муҳим тармоқлари бўйича бизнинг мамлакатимиз Америка Қўшма Штатларига етиб олди ва ҳозир ўзиб кетмоқда. Ҳозир биз цементни, темир рудани, кўмирни, станокларни, жун ғазламаларни, шакарни АҚШдагига қараганда кўп ишлаб чиқармоқдамиз. Пўлат ишлаб чиқариш соҳасида бизнинг мамлакатимиз Америка Қўшма Штатлари эришган даражага жуда яқинлашиб қолди.

Коммунистлар, деди Н. С. Хрушчев, тўла асосга эга бўлган ҳолда шуни айтишлари мумкинки, коммунистлар ўз мамлакатлари ичида социализмнинг афзалликларидан фойдаланишни ўрганиб олдилар, лекин шу билан бирга биз жаҳон социалистик системасининг мавжудлигидан келиб чиқаётган жуда катта афзалликлардан ҳозирча тўла равишда фойдаланаётганимиз йўқ, барча социалистик мамлакатлар ўртасидаги жуда кенг ҳамкорликни ташкил этиш имкониятларидан келиб чиқаётган жуда катта афзалликлардан ҳали тўла равишда фойдаланаётганимиз йўқ.

Тажриба шуни кўрсатдики, деди Н. С. Хрушчев, Европадаги социалистик мамлакатларнинг кейинги вақтларда ривожланиб бораётган хўжалик алоқалари жуда яхши натижалар бермоқда. Социалистик мамлакатлар коллектив бўлиб қурадиган корхоналарнинг катта манфаат бериши ҳозирнинг ўзидаёқ кўрининб турибди. Масалан Дунай дарёсида Венгрия билан Чехословакия, Руминия билан Югославия, Руминия билан Болгария биргаликда гидроэлектростанциялар қурадилар. Совет Иттифоқи бир қанча социалистик мамлакатлар билан биргаликда фосфоритлар ишлаб чиқаришни, калий ўғитлари ва бошқа химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳамкорлик қилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси қилинмоқчи бўлган ишларнинг кичик бир қисмидир, холос.

Биз шуни хурсанд бўлиб қайд қиламизки, деди Н. С. Хрушчев, ҳозирги вақтда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлар ўртасида ташкил этилаётган социалистик меҳнат тақсимотида Югославия Социалистик Федератив Республикаси ҳам қатнашишга ўзининг тайёр эканлигини айтди. Бу нарса Югославиянинг социалистик мамлакатлар билан ташқи савдосини анча кенгайтиришга имкон беради. Н. С. Хрушчев Сплитдаги кемасозлик заводини мисол қилиб кўрсатди. Биз, деди у, Совет Иттифоқи учун сизлар қуриб бераётган ажойиб танкерларга юксак баҳо бермоқдамиз ва мамлакатимиз учун кемалар қуришни сизларнинг кенгайтираберишингиздан манфаатдормиз.

Бу нарса ўзига зарур кемаларни олаётган Совет Иттифоқи учун ҳам, шунингдек ўз маҳсулотини сотиш учун барқарор бозорга эга бўлаётган Югославия учун ҳам манфаатлидир, деб ўйлаймиз. Яна бунинг устига бизнинг экспертларнинг фикрига қараганда, Югославиянинг кемасозлик заводлари Совет Иттифоқи учун кемалар қуриш тўғрисидаги айрим заказларни бажариш билангина кифояланмай, шу билан бирга муайян типдаги кемаларни қуриш учун ҳам ихтисослашган бўлур эдилар. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ишлаб чиқаришни тагин ҳам фойдалироқ қилиб ташкил этишга имкон беради. Биз буни иккала мамлакатимиз ўртасида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдаги яхши қадам, деб ҳисоблаймиз.

Инсониятнинг учдан бир қисми социализм қуришни ўзига бевосита амалий иш қилиб олди, деди сўнгра Н. С. Хрушчев. Социализм тинчликнинг энг мустаҳкам таянчидир. Ер юзида социализмнинг галабали ривожланиш тарихи айни вақтда империализм агрессиясига қарши, қуролланиш пойгасига қарши, атом қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш учун, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун жуда фидокорлик билан олиб борилаётган кураш тарихи ҳамдир. Биз коммунистлар фахрланиб шуни айтишимиз мумкинки, кенг оммаднинг энг ҳаётий манфаатларига тааллуқли бўлган уруш ва тинчлик масаласида капитализмга нисбатан афзаллиги айниқса яққол ва лўнда намоён бўлди.

Социализм мамлакатлари тинчлик учун курашда якка ўзлари қатнашаётганлари йўқ. Бу курашда ишчилар синфи, бутун дунё меҳнаткашлари, мустамлакачилик асоратидан озод бўлган мамлакатларнинг халқлари, ер юзидаги тинчликсевар кучларнинг ҳаммаси улар билан биргадир. Ҳозирги кунда инсоният тинчлик шароитида яшаб турганлиги коммунистлар бошчилигида халқларнинг тинчлик учун муваффақиятли курашаётганлигини кўрсатувчи энг асосий ва энг яққол далилдир.

Атмосферада, космик фазода ва сув остида атом қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома имзоланганлиги социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар сиёсати эришган шак-шубҳасиз ютуқ бўлди.

Ўз-ўзидан маълумки, бу шартноманинг ўзи қуролсизланиш йўлида бирор жиддий қадам қилинганлигини ҳали ифодаламайди. Жаҳондаги халқларнинг ҳаммаси буни эсда тутиши ва қуролсизланиш учун курашдаги ўз ғайратини бўшаштирмаслиги лозим. Бу вазифа инсоният олдида ҳали ҳам энг актуал ва муҳим вазифаларнинг бири бўлиб турибди.

Лекин ядро синовларини қисман тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузилганлигининг катта аҳамияти бор. Бу нарса турли ижтимоий тузумдаги давлатлар тинч-тотув яшаб турган вазиятда ўткир халқаро проблемаларни тинч йўл билан бартараф қилиш мумкинлигини кўрсатади. Москва Шартномаси халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги гарчи биринчи қадамгина бўлса ҳам, лекин бу қадам одамларнинг қалбини умид билан тўлдирмоқда ва уларни ер юзида тинчлик ишини мустаҳкамламоқ учун янада кураш олиб боришга руҳлантирмоқда.

Биз шу нарсани мамнуният билан қайд қилаётирмизки, деди Н. С. Хрушчев, халқаро проблемаларнинг мутлақ кўпчилигида Совет Иттифоқи билан Югославиянинг позицияси бир-бирига мос келмоқда. Шундай бўлиши ҳам табиийдир. Чунки социалистик ва коммунистик қурилишда халқларимизнинг умумий мақсадлари СССР, Югославия Социалистик Федератив Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатлар сиёсатларининг йўллари муштарак бўлишини белгилаб беради. Совет Иттифоқи ва Югославиянинг халқаро миқёсдаги ҳаракатлари ва қарашларидаги бирлик жаҳон сиёсатининг муҳим факторидир. Бу бирлик давлат ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Шу сабабли тинчлик ва социализм тантанаси йўлида алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун кураш халқларимизнинг энг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

Ўз нутқининг охирида Н. С. Хрушчев, яшасин Югославия ва Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги, яшасин бутун дунёда тинчлик, деб хитоб қилди.

Н. С. Хрушчев нутқи узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан, «ура»! хитоблари билан бир неча марта бўлиниб турди. Митинг қатнашчилари бараварига: «Қаҳрамон Хрушчев!», «Қаҳрамон Хрушчев!»,— деб хитоб қилдилар.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Сплит кемасозлик заводи коллективига совғалар — Владимир Ильич Ленин бюсти, радиола, «Бизнинг Ватанимиз» фотографиялар альбомини тақдим қилди.

Завод дирекцияси кемасозлар номидан Сплит шаҳрини акс эттирувчи суратни совет меҳмонига тақдим этди.

Никита Сергеевич кемасозлик заводидан жўнаб кетиш олдидан Сплитда дам олаётган совет туристлари билан учрашди ва улар билан самимий суҳбатлашди. Никита Сергеевич Хрушчев ва совет туристлари бир-бирларига Югославияда яхши дам олишни тиладилар.

Тушдан кейин совет меҳмони ва унинг ҳамроҳлари Сплитдан Брионига жўнаб кетдилар.

Югославия Коммунистлар союзининг Бош секретари, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито Брионига Дубровниктан жўнаб кетди.

Суратда: «Средазуголь» комбинатига қарашли кўмир разрези экскаватор машинисти ўртоқ Х. Боймуродов. У традицион байрам — Шахтёрлар кунини меҳнат тўёнаси билан кутиб олган эди. Ҳозир ҳамсуръатни бўшаштирмай кунлик нормани 1,5.2 ҳиссадан адо этмоқда.

В. Салов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КУЗГИ ДОН, ДОН-ДУККАКЛИ ВА ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАР ЭКИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1964 йил ҳосили учун кузги дон, дон-дуккакли ва озуқабоп экинлар экиш масаласини кўриб чиқдилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Қарорда шу нарса таъкидланадики, республика колхоз ва совхозларида дон, дон-дуккакли ва озуқабоп экинларни кузда ҳосили йиғиштириб олинган ерларга экилган тақдирда суғориладиган, шартли суғориладиган ва лалми ерларда бу экинлар майдонини анча кенгайтириш ва гарантияли ҳосил олишнинг жуда катта фойдаланилмаётган имкониятлари бор. Кузги экинлар майдонини анча кенгайтириш дон ва озуқа етиштиришни кескин кўпайтирибгина қолмай, балки ерлардан янада самаралироқ фойдаланилишни, бир йилда икки марта ҳосил олинишини таъминлайди.

1963 йил кузда бир миллион 500 минг гектар ерга кузги экинлар экилиши керак. Шунга мувофиқ равишда областларга топшириқлар берилди.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига: мавжуд лалми ва шартли суғориладиган ерларни ўзлаштиришни, шунингдек яйловларнинг бир қисмини ҳайдашни ҳисобга олиб, кузги экинлар экиш топшириғини 5 кун ичида ишлаб чиқариш бошқармаларига ва хўжаликларига етказиш;

суғориладиган ерларда кузги экинлар экиш учун барча бўш ерлардан ва бу йилги ҳосил йиғиштириб олингач август — октябрда тозаланадиган барча майдонлардан фойдаланиш вазифаси топширилди.

Хўжаликларга суғориладиган ерларга буғдой, арпа, сули ва беда экиш тавсия этилди.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига ҳар бир колхоз ва совхозда уруғлик фондини жамғаришнинг аҳволи ва уруғлик билан қандай таъминланганлигини аниқлаш. Ҳар бир хўжалик етарли миқдорда ўз уруғлигига эга бўлиши учун зарур бўлиб қолган тақдирда хўжаликлар ўртасида ва ишлаб чиқариш бошқармалари ўртасида уруғлик алмашишни ташкил этиш топширилди.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларининг, ишлаб чиқариш бошқармалари ва хўжаликларнинг раҳбарлари огоҳлантириб қўйилдики, уруғлик суди ва оддий уруғликни сортли уруғликка алмаштиришдан ташқари, давлат ресурсларидан уруғлик сўраб ёзилган заявкалар кўриб чиқилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари зиммасига қўйидаги вазифаларни юкладилар:

трактор парки, плуглар ва сеялкаларни ремонт қилиш ва тайёрлаш суръатини кучайтириш, кузги экинлар экиш учун техниканинг 15 сентябрдан кечиктирилмай тахт қилиб қўйилишини таъминлаш;

колхоз ва совхозларнинг кузги экинлар экиш учун ҳайдов тракторлари ва механизмлар билан таъминланганлигини текшириб чиқиш, суғориладиган зонадан бундай механизмларни ламмикор хўжаликларга юборишни ташкил этиш;

ҳосил йиғиштириб олиниши ва далалар тозаланиши биланоқ лалми ерларда ҳам, шунингдек суғориладиган ерларда ҳам кузги экинлар экиш учун ер ҳайдашни кучайтириб юбориш;

ерларни ва уруғликни экишга тайёрлаш ҳамда экиш ишлари сифати устидан контроль ўрнатиш, ерларнинг сифатсиз ҳайдалишига, кондиция даражасига етказилмаган уруғликнинг экилишига, экиш нормаси ва бошқа агротехника талабларининг бузилишига йўл қўймаслик.

Кузги экинлар экишни муваффақиятли ўтказганлиги учун илгор область ва ишлаб чиқариш бошқармаларини рағбатлантириш мақсадида 20 сентябрдан бошлаб областлар учун битта ва ишлаб чиқариш бошқармалари учун иккита кўчма Қизил байроқ бериб борилади.

Қарорда республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари лалми ва суғориладиган ерларда дон ва дон-дуккакли экинлар майдонининг анча кенгайтирилишини ва бу экинлардан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлайдилар, шу йўл билан партиянинг мамлакатимизда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги топшириғини бажарадилар, деб ишонч билдирилади.

ЯНА БИР ҒАЛАБА

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларидан руҳланган ўртачирчиқлик галлакорлар куни кеча катта меҳнат ғалабасига эришдилар.

Бошқарма бўйича ҳозирги кунга қадар ҳаммаси бўлиб давлатга 6395,1 тонна галла сотилиб, план анча ошириб бажарилди.

Етиштирилган ғаллани пешма-пеш ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида айрим хўжаликлар эришган натижалар, айниқса, қувончлидир. Жумладан 1-«Охангарон» (директори Ф. Ғуломов, партия ташкилотининг секретари З. Еқубов ўртоқлар) совхози юқори меҳнат унумига эришди. Совхоз асосий планда кўрсатилган 500 тонна ўрнига 831,5 тонна, қўшимча пландаги 500 тонна ўрнига эса 580,8 тонна галла топширди.

Шунингдек 2-«Охангарон» совхозида ҳам ҳосил мўл бўлди. Бу совхоз ғаллакорлари асосий пландаги 144 тонна ўрнига 256,5 тонна, қўшимча пландаги 453 тонна ўрнига 480 тонна ҳосил етказиб берди.

Тошкент наслчилик совхози ҳамда Свердлов номли ва «Коммунизм» колхозларида ҳам галла ўрим-йиғими ғоятда уюшқоқлик билан ўтказилиб, белгиланган план ва топшириқлар муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди.

Идеология ва ҳаёт

ЖАНГОВАР БУРЧ

Е. ТУРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вицепрезиденти

□ □ □

Коммунистик қурилиш авж олдирилган ҳозирги кунда идеология иши айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатдан ҳам идеология масалалари коммунистик қурилишнинг жанговар фронтига айланди. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми идеология масалаларига бағишланиб ўтказилди. Бу ҳол меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида партия ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Ғоявий байроғимизни тағин ҳам баланд кўтарган КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда ижодий интеллигенция олдида турган жанговар вазифаларни конкрет белгилаб берди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаси ғоят мураккаб бўлиб, ўз ичига жуда кўп конкрет масалаларни олади. Бу вазифаларнинг бажарилишида фан, маданият, адабиёт ва санъатни кенг миқёсда ривожлантириш ва бу соҳаларда эришилган муваффақиятларни оммага етказиш зўр аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Ильичевнинг партия идеология ишининг навбатдаги масалалари ҳақидаги доклади юзасидан қабул қилинган қарорда бутун идеология ишимизнинг ҳал қилувчи звеноси бўлган марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш, унинг ғоявий, илмий даражаси ва таъсирчанлигини ошириш соҳасида аниқ вазифалар белгиланди. Пленум ҳужжатларида кишиларимиз онгида коммунистик дунёқарашни шакллантиришда, халқнинг билим даражасини оширишда ижтимоий фанлар билан бир қаторда табииёт фанларининг ҳам ғоят катта роль ўйнашлиги қайд этилди.

Табииёт фанларининг асосий вазифаси илмий-текшириш ишларини юқори методологик асосда олиб бориб, фаннинг кейинги йилларда қўлга киритган материянинг янги хусуситлари ва унинг турли муносабатларини ўрганишдаги ютуқларини диалектик материализм нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш, яъни табииёт фанларининг философиясини ривожлантириш ҳамда ҳозирги замон фанининг асосий ютуқларини оммалаштиришдан иборат. Бу, биринчидан, идеализмга қарши ва умумий фаннинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган буржуазия философиясининг таъсирига қарши курашиш йўли бўлса, иккинчидан, кенг омма орасида илмий-атеизмни мустаҳкамлайди ва баъзи диний урф-одатларни илдизи билан йўқотишга замин бўлади. Биология соҳасида кейинги даврда эришилган юксак муваффақиятлар марксизм-ленинизм диалектикаси нуқтаи назаридан ишлаб чиқишни талаб қилади, чунки бу соҳада айниқса кўп янги маълумотлар олинганки, улар бизнинг ҳаётга ва унинг моддий асосларига бўлган тушунчаларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Масалан, ҳозирги замон биологияси насл масаласи, ўсиш, ривожланиш, турли органларнинг ўзига хос функциялари, шу жумладан, сезув органлари ва мия фаолиятини, насл касалликлари ва аҳоли учун ҳавфли бўлган рак, юрак-томир, вирус ва бошқа касалликларни оқсил ва нуклеин кислоталари молекулаларининг реакцияси асосида тушунтириш имкониятига эга бўлди. Бунинг натижасида организмларнинг наслни идора қилиш, уларни инсоният эҳтиёжига мукаммал жавоб берадиган қилиб ўзгартириш перспективалари очилади. Бу маълумотлар материализм асосига қиммат-баҳо хазина бўлиб қўшилади. Бу маълумотларни материализм философияси нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш, республикамизда биологиянинг кенг соҳаларини ривожлантириш ва фаннинг асосий ютуқларини кенг оммага етказиш олимларимизнинг шарафли бурчидир.

Маълумки, ҳозирги замон биологияси проблемаларини ҳал қилишда биолог олимлар билан бирга физика, химия мутахассисларининг ҳамкорлиги фан ривожланишининг асосий йўли бўлиб қолди. Лекин ҳали бизда бундай назарий ишлар юқори босқичга кўтарилган эмас. Биология тўла равишда қишлоқ хўжалиги ва медицина фанларининг назарий асоси бўлиш вазифасини мукаммал бажариш даражасига кўтарилгани йўқ. Шунинг учун ҳам кишилар учун энг хавфли касалликларни даволашда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда, чорва молларининг маҳсулдорлигини кўтаришда биология фанининг ютуқлари ҳали етарли даражада ишлаб чиқаришга ишончли таянч эмас. Бундай аҳвол назарий текширишларнинг практикага мустаҳкам боғланмаганлигидан ҳам дарак беради.

Ўзбекистон олимлари марксистик философиянинг принципи ҳамда ватан фанининг традицияси бўлган илм-фанни практика билан узлуксиз боғлаш ва қишлоқ хўжалиги, медицина соҳалари ўртага қўйган масалаларни юксак назарий ва методик жиҳатдан бирга ликда ҳал этишга яна ҳам катта аҳамият бериб, илмий-текшириш ишларининг эффективлигини ошириш устида ғайрат ва ташаббускорлик кўрсатишлари керак.

Пленум мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда ижтимоий фанларнинг аҳамияти тағин ҳам ортишини қайд қилиб, уларнинг олдига ғоят муҳим ва шарафли вазифалар қўйди. «Ижтимоий фанлар ходимларининг энг муҳим вазифалари, — дейилади Пленум қарорида — оммаларнинг коммунизм қуриш учун курашида жонли практикаси ва тарихий тажрибасини умумлаштириш, революцион назарияни дадил, ижодий ривожлантириш, революцион назариянинг ғоявий поклиги учун курашиш, фаннинг асосий философик, иқтисодий, тарихий, ҳуқуқий ва бошқа проблемалари устида ижодий мунозаралар ўтказишдан иборат...»

Аммо, кейинги йилларда ёзилган ва нашр этилган асарларни КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материаллари асосида кўздан кечирсак республикамизда ижтимоий ва табиий фанларни янада ривожлантириш йўлида ҳали жуда кўп ишлар, чуқур тадқиқотлар олиб бориш кераклиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришда ва шунингдек, жуда кўп корхона, хўжалик бошлиқларининг рақбарлик маҳоратини оширишда иқтисод фанининг амалий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Иқтисод фанининг вазифаси омманинг коммунизм қуришдаги улуғвор иши ва тажрибаларини умумлаштириб боришдан, халқ хўжалиги проблемаларининг илмий негизда планли, пропорционал ўсишини ишлаб чиқишдан иборат. Фан ва практика нуқтаи назаридан зўр аҳамиятга эга бўлган бу проблемаларнинг ҳал этилиши коммунизмни муваффақиятли равишда қуришга салмоқли ёрдам бўлади.

Ўзбекистон иқтисодчилари Ўрта Осиё ва шу жумладан Ўзбекистон халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий масалалари, чунончи, республика моддий ва меҳнат ресурсларидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш йўлларини, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш ва ташкил этишнинг энг яхши методларини излаб топишлари, мавжуд кучларни рационал жойлаштиришлари, корхоналарни тармоқлар бўйича ихтисослаштириш, кооперативлаштириш каби муҳим тадбирларни илмий равишда ишлаб чиқишда партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Республикамиз тарихчи олимларининг энг муҳим вазифаларидан бири — Ўзбекистон ССРнинг кейинги ўн йил мобайнидаги тарихини батафсил ва ёрқин лавҳаларда ёритиб беришдир. Шу жумладан, Ўзбекистонда ишчилар синфининг тарихига, гражданлар уруши тарихига оид илмий асарларнинг нашр этилиши 1964 йил планига киритилган. Айни замонда Ўзбекистоннинг Октябрь революциясигача бўлган тарихига оид нашр этилган икки томлик китобни қайта кўриб чиқиш ва уни шахсга сиғинишнинг оқибатларидан тозалаб, археология ва этнография томонидан янги очилган фактлар билан тўлдириб, кейинги йилларда ўрганилган тарихий, адабий ёдгорликлар билан бойитиб ва, айниқса, меҳнаткаш халқнинг тарихдаги ҳал қилувчи ролини ленинча назария асосида баён этиб, янгидан нашрга тайёрлаш лозим.

Философ олимлар ижтимоий фанлар тарихи, Ўзбекистонда марксча-ленинча философиянинг ёйилиши, унинг тантанаси, коммунистик жамият қурилиши жараёнида миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви ва жипслашуви масаласида чуқур илмий-тадқиқот олиб боришлари билан бирга, илмий-атеизм, диалектик ва тарихий материализм фанлари бўйича мукаммал асарлар, ўқув қўлланмалари яратишлари лозим.

КПСС Марказ Комитетининг июнь Пленуми карорлари Ўзбекистон олимларини ва барча илмий ходимларини янги ижодий муваффақиятларга ундамоқда. Академия фан олдига қўйилган кундалик практика билан бевосита боғланган масалаларни чуқур назарий текисликда ҳал қилиш, табиий ва ижтимоий билимларни республика бўйича планлаштириш ва координациялаш тадбирларини кўрмоқда. Академия ходимлари бажарилган илмий-текшириш ишларининг натижаларини амалда қўллаш мақсадида завод-фабрикаларда, колхоз-совхозларда кенг синовдан ўтказмоқдалар. Олимлар томонидан яратилган илмий асарлар мунтазам равишда муҳокама қилиниб, сўнгра нашрга тайёрланмоқда.

Маълумки, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ижтимоий фанларни табиий фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш вазифасини қўймоқда. Фан ходимларининг ғоявий даражасини ошириш ва уларни юксак аҳлоқ руҳида тарбиллаш, фаннинг муҳим масалалари устида кенг мунозаралар олиб бориш, илмий-текширишлардаги камчиликларни принципиал танқид асосида анализ қилиш асосий вазифалардан биридир. Ёш илмий кадрларни ўстиришда уларнинг назарий савиясини ошириш, бажарилаётган илмий-текшириш ишларнинг назарий ва практик аҳамиятини кенг анализ қилиш лозим. Бу вазифа ҳамма соҳада кўзга кўринган, юксак ишончга сазовор бўлган олимлар кенгашига топширилган.

Коммунистик партия олимларимиз олдига улуғвор вазифаларни қўйиш билан бирга, бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун барча шароитларни ҳам яратиб бермоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Иттифоқ Фанлар академияси ва Иттифоқчи республикалар Фанлар академиялари ишини янада яхшилаш ҳақида шу йил апрель ойида чиқарган қарори, илмий-тадқиқот ишларини координациялашнинг амалга оширилиши каби тадбирлар партия ва ҳукуматнинг мамлакатимизда фаннинг равнақи учун қилаётган оталарча ғамхўрлигининг ёрқин тимсолидир.

Республикамиз олимлари совет фанининг барча арбоблари билан ҳамкорликда партиямиз кўрсатган улуғвор вазифаларни муваффақият билан бажарадилар, шу билан бирга ёш авлодни ҳамда халқни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси асосида тарбиялашда бор кучлари, қобилиятлари ва талантларини аямайдилар.

Қудратли экскаватор ва ағдарма «МАЗ» автомашиналари туни-куни бетиним ҳаракатда. Чорвоқ гидроузели қурилиши тез суръатлар билан бормоқда. Суратда: гидроузел канали қурилишида.

В. Никонов фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ВАЪДАМИЗ-ВАЪДА

Тошкент ун комбинатининг ишчилари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар барча нуч ва техникани сафарбар этиб, санкиз ойлик планни 18 августда ҳамма кўрсаткичлар бўйича 100 процент қилиб бажардилар. Август ойи ичида планга қўшимча равишда 4000 тонна аъло сифатли ун маҳсулоти топширишга аҳд қилдилар.

Шаҳар аҳолисига қулайлик туғдириш мақсадида комбинатда ун пакетлаш цехи ишга туширилди. Бу цехда витамин қўшилган Ун ишлаб чиқарилади. Ун 2—3 килограммдан қоғоз халталарга солиниб, магазинларга жўнатилади. Цехда сутнасига 24 тонна ун пакетланади. С. МУҲАМЕДОВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ҚАЛДИРҒОЧ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ

Утган йили Бўка районининг Пискент посёлкасида янги мактаб-интернат қурилабошланган эди. Бинокорлар қурилиш суръатини жадаллаштириб, уни муддатидан олдин фойдаланишга топширдилар.

Ҳашаматли мактаб-интернат биноси посёлка ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Тарбия ўчоғи асосан икки корпусдан иборат. Шулардан бири болалар ётоқхонасига ажратилган. Буерда ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам истиқомат қиладилар. Мактаб-интернат ўзининг катта спорт залига ҳам эга. Шунингдек, ёзги спорт майдончаси ҳам ишлайди.

— Янги ўқув йилидан бошлаб 520 ўғил-қиз тарбияланади, — дейди мактаб-интернат директори Ўртоқ С. Абдазов. — Бу ўқувчиларнинг деярли ҳаммаси рўйхатдан ўтказилди. Ўқувчилар ийимкечаклар билан тўла таъминланади. Ўқув қуроллари ва дарсликлар ҳам етарли.

Бу тарбия ўчоғи райондаги тўнғич мактаб-интернатдир.

С. ОДИЛОВА.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Мактабларда сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтнинг Октябрь районидаги мавжуд 45 мактабнинг ҳаммаси биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилди. Ремонт ишлари барвақт тугалланди.

Янги ўқув йилидан районда битта 8 йиллик мактаб ишга тушади. Кенг ва ёруғ 24 хонадан иборат бу мактаб 964 бола учун мўлжалланган. Унинг физкультура зали, устахоналари, ошхонаси жуда чиройли қурилган. Бундан ташқари шу райондаги 19-сонли ўнбир йиллик мактаб ёнига ҳам қўшимча равишда 18 хонали янги бино қурилди. Бу эса машғулотларни бир сменада олиб бориш имконини беради. Куни узайтирилган 75-мактабда эса 120 ўринли ошхона қад кўтарди.

Ҳозир районда яна учта янги мактаб қурилаяпти.

— Мактабларни ремонт қилишда оталик ташкилотлари жуда катта ёрдам кўрсатдилар, — дейди район халқ маорифи бўлимининг инспектори Ўртоқ Ж. Иляжонов. — «Ўзбекэнерго», 6-нон заводи ўз оталиғидаги мактабларга яқиндан кўмаклашди. Оталиқ ташкилотлари кучи билан қўшимча синф хоналари, устахоналар қурилди.

Ўқувчиларга дарсликлар етказиб бериш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. 1 июндан бошлаб район мактабларида янги китоблар сотила бошланди. Шу кунгача ўқувчиларнинг 90 проценти дарсликлар билан таъмин этилди.

Д. МУСАЕВА.

АГИТКОЛЛЕКТИВ МИРЗАЧЎЛ ЕРЛАРИДА

Чилонзор район партия комитети КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини пропаганда қилишда ўз оталиғидаги колхоз ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Яқинда партия комитети тузган агитколлектив Сирдарё областидаги 3-«Боёвут» совхозига жўнаб кетди. Лекторлардан Абдулов, Розиқов ва Алимов ўртоқлар партия Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари асосида қизиқарли лекциялар ўқидилар.

В. ОДИЛОВ.

РАСМИЯТЧИЛИК БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Коммунист Мирзадил Ҳамдамов 4-бригада бошлиғи ва агитатор. Бу киши илгари колхоз партия ташкилотига 5 йил секретарлик қилган. Лекин унинг ишини кўриб ўзи билан суҳбатлашган киши хурсанд бўлмайди. 100 гектар пахта майдонидан 4 гектаридагиси ҳеч кимни қаноатлантира олмайди. Сувсизликдан паст бўйли ғўзалар барвақт очилиб кетган. Коммунист агитатор сўзда эмас, ишда ҳаммага намуна бўлиши керак эди. Аммо унинг талай ердаги ғўзасини ўт босиб ётибди. Июль Пленуми ҳақида савол берсангиз унинг жавобини эшитиб хижолат бўласиз. У лоақал шу Пленумда қандай масала кўрилганини ҳам билмайди. Агитаторнинг ўзи шундай бўлгандан кейин бошқалардан қандай гина қилиш мумкин. Колхоздаги 28 агитаторнинг бири мана шундай.

Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдураҳмон Қодиров: «бизда 38 коммунист сиёсий ташкилотчи» деди. Лекин бу сиёсий ташкилотчиларнинг нима иш қилаётганликлари текшириб турилмайди, улар партия мажлисларида ҳисоб бериб турмайдилар, ўзлари биркитилган хонадонларга камданкам борадилар. Сиёсий ташкилотчиларнинг яхшироқ иш қилганларини кўрсатадиган дурустроқ бир фактни топиш қийин.

Колхозчи Абдураҳмон Махсудов йил бошидан бери 9 кун ишга қатнашган, холос. Олти ойда худди шу хилда «ишлаган», томорқадан бошқалардан кўра яхшироқ фойдаланиб келаётган ишёқмаслар 30 кишидан ошади. Партия ташкилоти бундай кишиларга қарши етарли даражада кураш олиб бормаган. Агитация-пропаганда ишлари ва сиёсий ташкилотчиларнинг иши кўпроқ расмиятчиликдан иборат бўлиб қолган. Баъзи бригадаларга бориб кишилар билан суҳбатлашсангиз биркитилган агитаторларни қачон келиб, нима иш қилиб кетганларини ҳам яхши эслай олмайдилар.

Ҳозир Оққўрғонда бир ойдан бери суд давом этяпти. «Ўзбекистон» колхозининг собиқ раиси Бобоёров бошлиқ 5 киши қора курсида ўтирибди. Нафс қўйига тушган бу кишилар колхозни талон-торож қилиш билан бирга хўжаликни ҳам изидан чиқариб юбордилар. Бир вақтлар дуруст хўжаликлардан ҳисобланган бу колхознинг иши орқага кетди, ҳосилдорлик пасайди. Қолоқ хўжаликлар рўйхатига тиркалди.

1961—1962 йилларда пахта, маккажўхори, картошка, сабзавот етиштириш планлари бажарилмади. Етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи беҳад ошиб кетди. 1 центнер пахта етиштиришга план бўйича 16 сўм 24 тийин ўрнига 20 сўм 97 тийин, 1 центнер мол гўшти етиштиришга 51 сўм ўрнига 114 сўм, 1 центнер чўчқа гўшти етиштиришга 35 сўм ўрнига 194 сўм сарфланди. Бошқа маҳсулотларнинг таннархи ҳам шу хилда бўлди.

Шу туфайли колхознинг янги правлениеси ва партия ташкилоти олдида бу йил мана шундай жиддий нуқсонларни бутунлай тугатиш, одамларни уюштириш, хўжаликнинг барча тармоқларида ҳосилдорликни оширишдек жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа турибди.

Тўғри, колхознинг янги правлениеси ва партия ташкилоти хўжаликни изга солиш учун йил бошидан бери катта ишларни амалга оширдилар. Далаларни бир кезиб чиққан киши бу йил 1470 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 24,1 центнер ўрнига 26,1 центнердан ҳосил кўтариш учун пухта замин ҳозирланганига қаноат ҳосил қилади. Ҳозир ҳам далада ғўза парвариши давом этаётганини кўриб хурсанд бўлади. Айниқса, Абдували Расулматов, Темир Қаршибоев, Ғанима Исмоилова сингари коммунистлар бошлиқ бригадаларнинг бўлиқ ғўзалари кўзларни қамаштиради. Энди ҳамма ғап мана шу ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишда қолган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим тадбирларини ишлаб чиққан. Шу тадбирга мувофиқ сентябрь ойида 41, октябрда 56 ва 5 ноябргача 3 процент пахта териб йиллик план бажарилиши лозим. Бунинг учун колхозчилардан 442 киши, чол-кампирлардан 168 киши беросита теримга қатнашиши, 8 та пахта терим машинасини 11 тага етказиб улар билан 800 тонна пахта териб олиниши, 3000 тонна пахта қоп-қанорсиз ташилиши лозим.

Бу шубҳасиз яхши. Лекин бу кўрилган йиғим-терим гарбиларида ҳамма имкониятлар, баъзи бир мавжуд техникалардан фойдаланиш тўла ҳисобга олинмаган. Масалан, мажбуриятга мувофиқ олинадиган 3793 тонна пахтанинг салкам уч минг тоннаси қўл билан терилиши лозим. Бунинг учун колхозда кўпминг килограммчилар ҳаракатини ҳартарафлама кучайтириш зарур. Бироқ партия ташкилоти ҳам, колхоз правлениеси ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрмаган. Агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар кўпминг килограммчилар ҳаракатини кучайтириш тўғрисида тушунтириш ва пропаганда ишларини олиб бормаётирлар. Ҳеч ким кўпминг килограммчи теримчиларнинг номларини айтиб беролмайди.

Колхозда 2 та кўрак териш машинаси бор. Ишлаб чиқилган тадбирларда бу машинадан фойдаланиш, уни ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйиш тўғрисида ҳеч гап йўқ.

Пахта териш жуда мураккаб, кўп меҳнат, зўр уюшқоқлик талаб қиладиган иш. Одамларни теримга тўла жалб қилишда сиёсий ташкилотчиларнинг, агитаторларнинг роли катта.

«Ўзбекистон» колхозида бу йил план шубҳасиз бажарилади, деб айтиш мумкин. Лекин бу ҳаммадан олдин йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказилишига боғлиқ. Колхоз партия ташкилоти сиёсий ташкилотчиларнинг, агитаторларнинг фаолиятини оширишни, уларни колхозчилар ўртасида чинакам ғоявий-сиёсий, тарбия ишларини олиб боришларига эришмоғи лозим. Чунки пахта, тайёрлаш планини бажариш фақат хўжалик вазифаси эмас, шу билан бирга бизнинг энг юксак ғоявий ишимиз ҳамдир. Агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар колхозчиларга бу фикрни етказиш билан ҳаммани пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этишлари зарур. Партия ташкилотларининг, агитаторларнинг ва сиёсий ташкилотчиларнинг ҳозирги жанговар вазифаси мана шу.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз агитатори Розиқ Худойберганов тушки дам олиш пайтларида колхозчиларга кундалик газеталарда босилган муҳим хабарларни ўқиб беради. Уларни халқаро аҳвол билан, турли янгиликлар билан таништиради. Суратда: агитатор Р. Худойберганов 3-бригада аъзолари орасида. С. Икромов ва Б. Гадайбоев фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
Натижаларни маълум қилади

«КОСА ТАГИДАГИ НИМКОСАЛАР»

Газетамизнинг шу йил 25 май сонида юқоридаги сарлавҳа билан танқидий мақола босилиб, унда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг хўжалик фаолиятидаги камчиликлар очиб ташланган эди. Мақола юзасидан махсус комиссия текшириш ўтказди. Текшириш натижалари Тошкент шаҳар партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди.

Шаҳар партия комитети бюросининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, мақолада келтирилган кўпчилик фактлар тасдиқланди. ТИИМСХ директори ўртоқ С. Пўлатовнинг мақолада кўрсатилган молиявий ва бошқа камчиликлар туғатилганлиги, айбдорларга нисбатан маъмурий чора кўрилганлиги ҳақидаги ахбороти инобатга олинди. Институт маъмурий-хўжалик масалалари бўйича проректори Н. Крачков ва АХЧ партия бюросининг секретари Н. Сиров ўртоқлар йўл қўйган камчиликлари ва хатолари учун партиявий йўл билан чора кўрилишига лойиқдирлар. Институт партия комитетига Н. Крачков ва Н. Сиров ўртоқларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш ва уларни партиявий жавобгарликка тортиш топширилди. Шунингдек, партия комитетига институт маъмурий хўжалик бўлимининг фаолияти ҳақидаги масалани партия йиғилишида кўриш, институт ректорати билан биргаликда бу соҳадаги ишларни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Шу билан биргаликда, Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси мақола авторлари баъзи фактларни бузиб, институтнинг айрим ходимларини асоссиз равишда айблаганликларини ҳам кўрсатиб ўтди. Бюро қарорида редакция маъмурияти ва партия ташкилотига мақола авторлари З. Ахтямова ва А. Шайхов ўртоқларнинг редакция топширигини бажаришда етарли даражада масъулиятни ҳис қилмаганлиги масаласини партия йиғилишида муҳокама қилиш топширилган эди. Редакция партия ташкилоти ўзининг очиқ партия йиғилишида Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг қарорини муҳокама қилди ва ходимларнинг ишдаги масъулиятини янада оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Уз ишига етарли даражада масъулият билан қарамаганлиги учун мақола авторларига — ўртоқ З. Ахтямовага қаттиқ выговор эълон қилинди, ўртоқ А. Шайхов эса жиддий огоҳлантирилди.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА!

Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси республикамиз пойтахтини, мамлакатнинг бирқанча индустриал шаҳарларини сабзавот, картошка, қовун-тарвуз ва ҳўл мева билан таъминловчи йирик базалардан биридир. Бу бошқармада шаҳарликлар учун ноз-неъматни кўпроқ етказиб бериш борасида қандай ишлар қилинянти, план ва мажбуриятлар қандай бажарилянти, кузда қанча сабзавот, картошка етказиб берилмоқчи?

Яқинда мухбиримиз кўпларни қизиқтираётган ана шу савол билан бошқарма бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Меҳриниса Убайдуллаевага мурожаат қилди.

— **Бу йил сабзавот йили бўлди дейишади, бошқарма хўжаликларида ҳам сабзавот мўлми?**

— Ҳа, бу йилги об-ҳаво шароити сабзавоткор районларга қулай келди. Эртаги ва ўртаги экинлар яхши агротехника муддатларида экиб олинди, парваришни сифатли ўтказиш учун ҳамма шароит бўлди. Аммо бемаврид ёққан сел ва дўл қарийб 3 минг гектар ердаги карам, помидор ва бошқа баъзи экинларга, токларга сезиларли зарар етказди. Айниқса Келес ва Юнусобод зонасидаги колхоз-совхозлар дўлдан кўпроқ зарарланди. Бироқ азамат деҳқонларимиз фидокорона меҳнатлари билан қулай фурсатни бой бермай, аҳволни анча тузатиб олдилар. Ҳозир шу зоналарда йиллик картошка тайёрлаш планини бажарган бригадалар сони ўнга етиб қолди. Давлатга сабзавот сотиш планини бажариш арафасида турган бригада ва звенолар кўп.

Умуман бошқарма бўйича деҳқончилик яхши бўлди, дейишга асос бор. Далаларимизда сабзавот, картошка, қовун-тарвуз жуда кўп.

— **Нечта хўжалик давлатга маҳсулот сотиш йиллик планини бажарди?**

— Бошқарма бўйича биринчи бўлиб «Октябрь» колхози бундан бир ой муқаддам давлатга картошка сотиш йиллик планини бажарди. Унинг кетидан Генерал Раҳимов номли колхоз аъзолари ҳам рапорт бердилар. Шу ойнинг бошида давлатга сабзавот сотиш йиллик планини республикада биринчи бўлиб дўндирган Свердлов номли колхоз азаматлари шу кунгача планга қўшимча 700 тоннадан зиёд помидор, сабзи, пиёз, бодринг ва бошқа сабзавот маҳсулотлари топширдилар. «Бўзсув» ва «Қибрай» совхозлари, «Ленинизм» колхози ҳам сабзавот сотиш йиллик планини муддатидан 5 ой олдин адо этдилар.

— **Бошқармада социалистик мусобақа қандай ташкил этилган ва илғорлари рағбатлантиришнинг қандай формаларини қўллаяпсизлар?**

— Йиғим-терим мавсуми бошланиши билан ишлаб чиқариш партия комитети ва бошқарма колхозлар учун иккита, совхозлар учун битта кўчма Қизил байроқ таъсис этди. Байроқ ҳар ўн кунликда давлатга картошка ва сабзавот топширишда энг юқори кўрсаткичга эришган хўжаликларга берилади. Сурункасига уч марта мусобақа голиби бўлган колхоз ёки совхоз битта енгил машина билан мукофотланади ва илғорларга сотиш учун иккита мотоцикл берилади.

Шу пайтгача «Октябрь» колхози икки марта ва «Назарбек» совхози уч марта кўчма Қизил байроқ олди. Бу икки хўжалик маҳсулот топшириш суръатини кун сайин оширмоқда. Уларнинг далаларидан қабул пунктига ҳар куни 400—600 тонна атрофида сифатли помидор, сабзи, пиёз, ковун-тарвуз, бодринг, ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етказилаяпти.

«Қизил Ўзбекистон», «Ўзбекистон», Охунбобоев номли, Калинин номли, «XX партсъезд» колхозлари, «XXI партсъезд» ва 4-боғдорчилик-узумчилик совхозлари ҳам ўзаро мусобақада пешқадамлар safida бораяпти.

Рағбатлантириш масаласида шуни айтиш мумкинки, ҳамма колхоз ва совхозларда бригада ва звенолар учун кўчма Қизил байроқ таъсис этилган ва хўжаликнинг ички имкониятига қараб мукофот ажратилган. Масалан, «Октябрь» колхозида 15 кунда маҳсулот топ-шириши биринчи ўринни эгаллаган бригадага байроқ билан бирга бир қўй ва 50 сўм пул, иккинчи ўринни олган бригадага кўчма Қизил байроқ ва бир қўй берилади.

Бу йил колхоз ва совхозларимиздаги деярлик ҳамма бригадалар хўжалик ҳисобига ўтказилган. Нима экканлиги, ер-сув шароити ва колхоз ёки совхознинг экономикасига қараб иш юритилади. Бригадалар билан колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари ўртасида пландан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 20 процентдан 75 процент қисмигача бригада аъзоларига устама мукофот тариқасида (натура ё пул) бериш тўғрисида йил бошида шартнома имзоланган. Ҳамма жойда ана шу шартномага амал қилиняпти. Бу тадбир дала меҳнаткашларини ҳосилдорликни оширишга интилтирмоқда. Бу йил ҳар гектар ердан 20, 25 ҳатто 30 тоннадан картошка, 40 — 50 тоннадан помидор, 35—40 тоннадан карам ва пиёз етиштирган звенолар сони юздан ошиб кетганлиги бечиз эмас. Ҳосилдорликни ошириш йўли билан устама мукофот тариқасида ҳозирнинг ўзида 2—3 минг сўмдан пул ёки ўн тоннадан сабзавот, картошка олган колхозчи ва совхоз ишчиларини минглаб учратасиз. Биргина «Октябрь» колхозининг ўзида бундайлар юз кишидан кўп.

— **Бошқарма бўйича картошка, сабзавот, қовун-тарвуз етиштириш плани қандай бажарилаяпти?**

— Бошқармамиз меҳнаткашлари йил бошида давлатга 76 минг тонна сабзавот, 25 минг тонна картошка, 25 минг тонна қовун-тарвуз, 3 минг тонна мева, 13 минг тонна узум сотиш мажбуриятини олган эдилар. Кечки картошка уруғи жиддий проблема бўлганлиги сабабли пландагидан 1700 гектар кам картошка экдик. Кам экилганини назарда тутиб картошка ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу кунгача давлатга картошка сотиш планимизни 50 процентдан ошириб бажардик. Шиоримиз — ҳар қандай шароитда бўлса ҳам давлат планини бажариш.

Картошка уруғи етмаган ерларга сабзавот ва полиз экинлари экилди.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг жонбозлик кўрсатиб ишлашлари натижасида ҳамма хўжаликда мўл ҳосил етиштирилди. Бу йил айниқса карам, помидор ва пиёз сероб бўлди. 20 августгача давлатга бошқарма бўйича йиллик планнинг 54 процента миқдорида сабзавот, 101 процента миқдорида мева топширилди. Қовун-тарвуз ва узум кун сайин кўпроқ топширилмоқда.

Ўтган йилнинг шу муддатидагидан 8100 тонна кўп сабзавот, 4 минг тонна кўп картошка, 1900 тонна кўп ҳўл мева, 509 тонна кўп қовун-тарвуз сотдик.

Ишлаб чиқариш партия комитети ва бошқарма Совети яқинда малакали мутахассис ва қишлоқ хўжалик новаторларидан иборат катта бир комиссия тузиб, ҳамма колхоз ва совхозлардаги ўртаги экинларнинг ҳолати, маҳсулотни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш, кечки экинлар парвариши қандай бораётганлигини кўздан ўтказиб чиқдилар. Текшириш натижаси бошқармага қарашли уч зонада кенг актив ва барча бригадирлар иштирокида муҳокама қилинди. Шунда ватанпарвар деҳқонларимиз ўз зиммаларига қўшимча социалистик мажбурият олдилар. Қўшимча мажбурият олмаган бригада қолмади ҳисоб. Ана шуларни қайта ҳисоблаб чиқиб, бошқарма бўйича сабзавот тайёрлаш йиллик планимизни 1 октябргача бажаришга ва йил охиригача қўшимча равишда 20 минг тонна сабзавот ва ҳўл мева беришга қатъий қарор қилинди. Бу қарор ҳамма колхоз ва совхозларда ишлаб чиқилди ва яқдиллик билан маъқулланди. Шу кунларда ҳамма далада, ана шу янги оширилган мажбуриятни бажариш учун кураш қизғин давом этмоқда. Мактаб педагогик коллективлари, қишлоқ советлари ва сиёсий ташкилотчилар ёрдамида ҳар бир колхоз ва совхозда ёрдамчи кучлардан махсус кўмакчилар бригадаси, зарбдор бригадалар тузилиб, улар йиғим-теримга сафарбар этилган.

Ҳозир ҳамма нарса гарқ пишган, ерда ноз-неъмат жуда кўп, гап уларни нобуд қилмай, сифатини айнитмай ўз вақтида йиғиб-териб истеъмолчиларга етказиб беришда қолган. Лекин шу соҳада биз шошилиб қолдик — кўч етишмаяпти. Маълумки, сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олиш ҳали кенг механизациялашган эмас. Бунинг устига айрим колхоз раҳбарлари картошка, сабзи ва пиёзни кавлайдиган машина бўлишига қарамай асоссиз важларни рўкач қилиб, индан фойдаланмаяптилар.

— **Йиғим-теримни тезлаштириш соҳасида бошқарманинг ташкилотчи-инспектор ва мутахассислари, партия комитетининг инспектор-партия ташкилотчилари қандай роль ўйнашяпти?**

— Бошқарма ва партия комитети йўли билан ҳар 3-4 хўжаликка бир ташкилотчи-инспектор ва бир партия ташкилотчиси бириктирилган. Улар колхоз правлениеси, совхоз дирекцияси ва партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу соҳада партия ташкилотчиларидан Р. Азимов, А. Новиков, ташкилотчи-инспекторлардан А. Пўлдошев, Ф. Ражабов ўртоқлар, айниқса ғайрат-ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар мавжуд кучларни дала ишига максимал сафарбар этиш ва уларнинг унумли ишлашини таъминлашда бош-қош бўлмоқдалар.

Аммо ҳалигача ўз роли ва вазифасини яхши тушуниб олмаган, кўпинча икир-чикир масалалар билан шуғулланиб, кунини ўтказиб юрган ходимларимиз ҳам йўқ эмас. Ўртоқ Асилов биркитилган «Коммунизм», Киров номли ва «Ленинград» колхозларида на ғўза парвариши, на сабзавот экинлари парвариши ва на маҳсулот топшириш қониқарли бормаётгани, илғор агротехника фани ютуқлари қўлланилмаётгани, техникадан ёмон фойдаланилаётгани ҳақида бир эмас, бир неча марта жиддий гап бўлди. Ўртоқ Асиловнинг ҳечқандай таъсир ўтказолмаётгани кўрсатилиб, ундан ўз фаолиятида кескин бурилиш ясаш талаб қилинган эди. Бироқ бу ходимимиз ҳанузгача сезиларли ўзгариш ясагани йўқ. Энди биз бундай ташаббуссиз, дангаса ходимларимизга кескин чора кўрмасак бўлмаяпти.

— **Суҳбат учун раҳмат. Демак Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари бу йил ўз нози-неъматлари билан шаҳарлик биродарларини хурсанд қиладилар, деб ишониш мумкин экан-да.**

— Ҳа мумкин. Бошқармамиз колхозчилари, совхоз ишчилари етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 20 минг тонна «оқ олтин», пландан ташқари 20 минг тонна сабзавот, ҳўл мева, қовун-тарвуз етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар ва республикамизнинг шонли 40 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб оладилар. Шаҳарлик биродарларимизни мамнун қилиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Калинин бошқармасидаги 1-боғдорчилик совхозининг соҳибкори Тошпўлат ота Имомбоев узумдан, мевадан мўл ҳосил етиштиришда катта тажрибага эга. У пенсияга чиққан бўлишига қарамасдан ҳозир совхознинг илғори қолоқ бўлиб келган бригадасига бошчилик қилиб, ўз тажрибасини ёшларга ўргатмоқда. Суратда: Тошпўлат ота Имомбоев.

Ҳ. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОЛЛЕКТИВ ҲАРАКАТИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қорасув» совхози 1-бўлимининг ғулом Аҳмедов бошчилик қилаётган 6-бригадаси ишчилари сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштираяптилар. 14 гектар ерга экилган эртаги карам, 10 гектар ердаги помидор экинларига ўз вақтида сифатли ишлов берилди. Натижада ҳар гектар карамдан пландаги 19 тонна ўрнига 26 тоннадан карам олинди. Помидордан ҳозиргачаёқ гектар бошига планда кўрсатилган 18 тонна ҳисобига 16 тоннадан ҳосил тўпланиб қўйилди. Хали помидор далаларида ҳосил кўп.

Бригаданинг кечки экинлари ривожи ҳам кишини қувонтиради. Биринчи парвариш ва иккинчи сувдан чиқарилган 16 гектар ердаги кечки карам тез авж олаяпти. 5 гектар майдондаги сабзи гуркираб ўсаяпти.

Аҳил коллективнинг шижоатли меҳнати туфайли фақат эртаги карам ва помидорнинг ўзидангина пунктга 568 тонна ҳосил топширилди. Бригаданинг 30 ишчисининг ҳар бири ярим йилликда пландагидан ортиқ маҳсулот етиштирганликлари учун давлатдан 100—125 сўмдан устама пул мукофоти олдилар. Ўз меҳнат муваффақиятларидан руҳланган А. Қўчқоров, С. Нуъмонов, С. Муҳитдинов каби миришкор сувчилар, Ф. Султонова, В. Файзиева, О. Усмонова, Н. Рихсиев, Д. Ҳасанова сингари меҳчасевар ишчилар далада ғайрат кўрсатишаяпти. Экинларнинг сифатли парваришлашда ҳаммага намуна бўлишаяпти. Йиғим-терим ҳам авжида. Ҳар куни 6,5-7 тоннадан маҳсулот тайёрланмоқда.

С. МУҲИТДИНОВ.

Қовжираган „малика“лар

Колхознинг силос босиладиган маркази фермаси. Вақт тушдан оққан. Хирмондаги беш-олти киши овқатланишганига анча вақт ўтган бўлса ҳам, тиш кавлаб, чойхўрлик қилиб ўтиришибди. Аммо, бу ўтириш уларнинг диққатини ошириб юборяпти. Табелчи ҳам, тракторчи ҳам, силос босувчи тўрт азамат ҳам ахён-ахён келиб қоладиган машинани кутавериб хуноб.

— Мунча имиллашди-я,— аччиғланиб деди силосни трамбовка қилишга шайланиб ўтирган тракторчи Омонқул Эшонқулов.

— Ҳаммамизнинг ҳам вақтимиз бекор кетяпти,— унинг сўзини қувватлади бошқалари ҳам,— силос бостириш ҳам шунақа бўладими! Қани, хой ука, силос ташийдиган машиналарингни кўпайтирсаларинг кўпайтирларинг, бўлмаса биз далага чиқайдик. Ишдан қолиб кетдик-ку.

Кеч келган шоферларни қойиб, диққинафас бўлиб турган зоотехник, чорва бўйича раис Ўринбосари Ўртоқ С. Салимбоевга бу сўз қаттиқ таъсир қилди:

— Ака, аҳволни кўриб турибсизку, силосга олти машина ажратилган ўзи. Тўрттаси ишлаяпти. Шулардан бирини инженеримиз Болтабой ака Бекободга миниб кетибди, биттаси бузилипти, Манови икки машина бўлса ташвақа юриш қилаяпти.

— Ахир, тўрт машина билан иш битадими болам, колхозда нима кўп, автотележка кўп, ҳозирча улар бекор турибди. Эрта-индин пахта терими бошланиб қолса борми, силосга бериб бўлишипти уни. Ўшалардан фойдаланиш керак-да,— деб қолди Мамажон ота Аҳмедов.

— Тўғри айтасиз ота, лекин бўйруқ беришга ҳуқуқинг бўлмагач, қийин экан-да,— зоотехник бу сўзни киноя билан айтди.

Суҳбат шу зайлда давом этиб турганда машина овози эшитилиб қолди.

— Ҳайрият яна бири келяпти,— деди табелчи Бўри Мелибоев. Дарвозадан Абдиваҳоб Эгамназаров бошқараётган автомашина кириб келди. Ўтирганлар силосни туширишга қўл солишди. Салимбоев эса шофернинг ёнига келди:

— Соат учдан ошди, эрталабдан бери атиги икки марта қатнадинг-ку, маккажўхори ўрилаётган ерга узоғи билан бир ярим соатда бориб-келса бўлади. Кўппоя ортиши бўлиб икки соатда бемалол бир бор қатнаш мумкин-ку, ахир!

— Машка ўраётганлар ушлаб қолишди,— баҳона қилди шофер Абдиваҳоб.

Зоотехник билан шу машинада маккажўхори ўрилаётган далага бордик. Бу ердаги икки комбайндан бири бузилиб қолибди. Бузуқ комбайн атрофида уч-тўрт киши уймалашарди.

— Иш тўхтаб қоладиган бўлибтида,— дедик.

— Э,.. ҳали бир комбайннинг ўзига транспорт етишмаяпти-ку!— дейди бизга ўгрилиб механик Хайдарали Боймуротов.— Мана шу машинани битта комбайннинг ўзи бир нафасда тўлгазади. Бошқа бир машина келгунча яна бир-икки соат тўхтаб туради, ҳа.

— Тўғри ,транспорт етишмаяпти. Кунимиз бекор ўтяпти — тасдиқлашди атрофдагилар ҳам.

Демак, Абдуваҳоб бизни алдаган экан.

Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги Дзержинский номли колхозда силос босиш ишлари бу йил ана шундай суст кетишлик билан боряпти. Бу ерда 2 августдаёқ маккажўхори ўримига киришилган эди. Орадан мана 20 кундан зиёд вақт ўтди-ю, атиги 500 тонна силос бостирилди холос. Ваҳоланки, колхоз бу йил 5500 тонна силос тайёрлашни планлаштирган. Орада саноқли кундар қолди. Сентябрь кириши билан пахта терими ҳам бошланиб қолади. Ҳамма куч, ҳамма транспорт теримга сафарбар этилади. Унда силос босиш яна иккинчи даражали иш бўлиб қолади. Бунинг устига шу кунларда ҳам колхозда мавжуд чорва молларига едириладиган ҳеч қандай ем-хашак йўқ. Шунинг учун ҳам ферма бригадири Ҳабибулла Лутфуллаев силосининг бирор машинасини оч қолган сигирларга олиб кетиш нияти билан марказий фермага келган экан. Шофер боришга кўнмади.

— Эрталабдан бери ўзларинг неча бор овқатландиларинг. Сигирлар ҳали нохор юрибди. Бу ҳолда эртага бир грамм ҳам сут беролмайдиз-ку,— деб зорланарди Лутфуллаев.

Аҳвол шундай. Лекин хўжаликдаги қийинчиликларни енгиш, чорва моллар учун ем-хашак базасини пухта тайёрлаш имконяти йўқ экан, деб ўйламанг. Агарда эътибор берилса, ҳаракат қилинса, етиштирилган ҳосилни қисқа муддат ичида ўрибйиғиб олинса, мавжуд транспортлардан тўла-тўкис фойдаланилса, колхоз гаражида бекор турган 20 дан ортиқ автотележкалар ҳам ишга солинса, ем-хашак тайёрлаш ишлари сал куйда бажарилади.

Колхоз правлениесида силос босишга киришишдан олдин шу ишда қатнашадиган шоферларни чақириб: «бир кунда ҳар бирингиз неча мартадан қатнашингиз мумкин» деб сўралганда, улар: «беш мартадан қатнаймиз» деб сўз беришган эди. Лекин шоферлар ваъдалари устидан чиқишмаяпти. Бу ишда олти шофер қатнашаётган бўлса, шулардан фақат Мамадали Ортиқов билан Мамад Умеровгина кунига тўрт-беш мартадан қатнаб турибди. Қолганлари эса икки-уч марта силос ташиб, бошқа вақтларини бекор ўтказияпти. Колхоз правлениеси эса бу ишнинг бориши билан қизиқмайди ҳам. Қизиғи шундаки, ўзи кам ҳосил бўлган «дала маликаси» кун сайин қовжираб тошини ҳам, озуқа бирлигини ҳам йўқотаяпти. Оқибатда ҳар гектар ҳисобига олинаётган силос 49 центнердан ошмаяпти. Бу шармандали бир ҳол-ку! Илғор маккажўхорикорлар гектаридан 1000—1500 центнердан кўпроқ олишса-ю, Дзержинский номли бу колхознинг маккажўхорикорлари атиги 49 центнердан ҳосил олишса! Буни нима деб баҳолаш мумкин?

Колхознинг 295 гектар ерида етиштирилган маккажўхори бу йил силос учун ажратилган бўлса, 150 гектар ердаги маккажўхори дон учун ажратилган эди. Аммо ҳар иккала мақсад учун экилган «маликаларнинг тақдири ўз ҳолига ташлаб қўйилаверган. Бу ерда ёз бўйи сув ичмаган карталар ҳам бор. Масалан Жданов участкасидаги маккажўхорининг бўйи бир қаричдан сал ошади, бунинг устига у сарғайиб, қуриб ётибди. Ҳали уни ўриб олишга навбат ҳам теккани йўқ.

Таажжуб, колхозда-ку, олтиюзга яқин қорамол бор. Шунча молнинг қишки озуқаси асосан мана шу маккажўхорилардан жамғарилмоғи керак. Шундай экан, колхоз раҳбарлари (раиси Ўртоқ Иван Петрович Ким) бу жониворларни қишда нима билан боқиш ҳақида ўйлашармикин.

Ф. УСМОНОВА.

Социализм мамлакатларида

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲОСИЛ МЎЛ

Бу йил Югославияда сабзавот, айниқса помидордан мўл ҳосил олинди. Дастлабки маълумотларга кўра, бу йилги ҳосил ўтган йилгидан 20 процент кўп.

Консерва заводлари ва фабрикаларида бу йилги ҳосилдан қарийб 100 минг тоннасини қайта ишлаш мўлжалланган. Бу, ўтган йилга нисбатан 20 минг тонна ортиқ демакдир.

Пойтахтни иситиш маркази

Белград винокорлари ҳозир шаҳарни иситиш масалаларига кўпроқ эътибор бераётирлар. Сава дарёсининг чап қирғоғида электр қуввати билан ишлайдиган йирик иситиш маркази қуриляпти. Шу йил кузида иситиш марказининг биринчи қозони ишга туширилиши туфайли Янги Белград районидаги (бу ерда уй-жой қурилиши авж олган) 18 минга яқин хонадон иссиқ сув билан таъминланади. Энг сўнгги — учинчи қозон ишга туширилгач, Сава дарёсининг ҳар иккала қирғоғидаги йирик уй-жой райони иссиқ сув оладиган бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ «Белград» иссиқлик электростанциясини электр иссиқлик марказига айлантириш ишлари олиб борилаётир. Бу марказ Белграднинг Дунай дарёси бўйидаги районларига иссиқ сув етказиб беради.

Шу кунда Югославия пойтахтидаги Янги Белград районида жойлашган қарийб 4,5 минг хонадон сув билан иситилмоқда.

Д. ДИМОВ

ХАЛҚ ИЖОДИ

Германия Демократик Республикасида санъат ҳаваскорлари сони ортиб бормоқда. Ҳозир 126 та ишчи ҳаваскор театри бўлиб, уларда 4 мингга яқин меҳнаткаш иштирок қилаяпти. Улар артист, режиссёр, саҳна безакчиси бўлиб ишлашмоқда. ГДР да 400 га яқин «ишчи ёзувчилар» тўгараги мавжуд. Бу ерда бадиий ижод билан чинакамига шуғулланаётган ва тажрибаси бўлган кишиларни шундай деб аташади.

Қуйидаги рақамлар диққатга сазовор: 2 мингта драматик группа ва тўгаракларда 16.320 киши қатнашяпти. Улар завод клублари саҳнасида ва турар-жой районларида концерт ва спектакллар кўрсатишади. 1958 йилда 250 ҳаваскорлик киностудияси бор эди, ҳозир эса улар сони 450 га етди.

Кутубхона ўқувчилари ҳамда концерт, театр, виставка томошабиндарининг сони йил сайин ортиб бораётир.

Эркин немис касаба союзлари бирлашмаси ҳар йили адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаб туради. 1962 йили мукофотга тақдим қилинган асарларни муҳокама қилишда халқ корхоналаридаги 60 мингдан ортиқ ходим қатнашди.

К. САВВИН.

Рус тилини ўрганувчилар учун

«Свет Советов» нашриёти рус тилини ўрганиш курсларининг тингловчилари учун 34 номда 3 миллион нусҳадан ортиқ дарслик ва бошқа хил ўқув қўлланмалари босиб чиқарди. Рус тилини ўрганиш курслари бу йилдан бошлаб меҳнаткашларга мактабдан ташқари таълим беришнинг ягона системаси таркибига киритилди. «Свет Советов» нашриёти рус тилини ўрганаётганлар учун янги рус тили дарслиги нашр қилади. Дарслик беш бўлимдан (махсус текстлар, оғзаки нутқ, совет адабиёти, СССР ва ЧССР, грамматика бўлимлари) иборат бўлиб, рус тилини турли йўллар билан ўрганувчиларнинг кенг оммасига мўлжалланган.

Рус тилини яхшироқ биладиган кишилар учун махсус қўлланма, шунингдек кичик ҳажмдаги луғатлар чиқарилади.

БИР ЗАВОДНИНГ ЎЗИДА

Софиядаги электр моторлари ва генераторлар ишлаб чиқарадиган Басиль Коларов номли йирик заводда 4100 киши ишлайди. Улардан 2 мингтаси ўрта, 560 таси эса олий маълумотли. Заводдаги кишиларнинг ҳаммаси ўқийди: 200 ишчи ва хизматчи мамлакатнинг турли олий ўқув юртларида, 300 киши техникумларда сиртдан таълим оляпти. 2100 киши 120 та турли малака ошириш курслари ва илғорлар мактабида ўқимоқда.

Болгария Халқ Республикасида 17.600 студент сиртдан, 30 минг киши кечки ишчи-ёшлар мактабларида билим олишяпти. Кечки ва сменали мактабларга 100 минг ишчи ва кооператив аъзоси жалб қилинган.

К. ОРЛОВА.

40 мамлакатга чиқарилмоқда

Болгариядаги «Булгарконсерв» корхонаси Европа, Осиё, Африканинг қирқдан ортиқ мамлакатига, шунингдек Кубага ўз маҳсулотини чиқармоқда. Болгария консерва саноати томат пюреси, мева шарбатлари, компотлар тайёрловчи ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. 1939 йилдан то 1961 йилгача консерва ишлаб чиқариш қирқ баравардан зиёд ортди. Консерва саноатида тўрт юз хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

Консерва маҳсулотлари Болгария экспортининг ўн бир процентини ташкил қилади. Болгар помидори, томат пюреси, сабзавот консервалари, салатлар, қиёмлар, қуритилган ёки музлатилган мева ва сабзавотларига чет эл бозорларида талаб катта.



Венгрия Халқ Республика си. Суратда: Дунай металлур гия комбинатининг домна печлари.

Интерфото МТИ фотоси.

ВЕНГРИЯ

100 МИНГ КИЛОВАТТ ҚУВВАТЛИ

«Ланг» машинасозлик заводининг коллективи 100 минг киловатт қувватли буғ турбинасини қуришга киришди. Венгрияда ана шундай катта қувватли буғ турбинаси биринчи марта яратилаётир. Илгари 50 минг киловатт қувватга эга бўлган турбиналар қуриларди. Янги турбина венгер конструкторлари ва машинасозларининг катта ютуғи бўлиб, у Комаром областидаги Банхида электростанциясига ўрнатилади.

М. ПОПОВ

400 МИНГ ТЕЛЕВИЗОР

Венгрияда телевизор эгаларининг сони тобора ортиб бормоқда. 1958 йилда 16 минг телевизор бор эди, ҳозир улар сони 400 мингдан ошиб кетди. Венгрия магазинларида ҳар ойда аҳолига 12 минг телевизор сотиляпти.

МАМЛАКАТ БОЙЛИГИ

Табиий газ нефть каби Руминиянинг катта бойлиги ҳисобланади. Руминия табиий газининг асосий ҳислати — унинг тозалигидир (таркибида 99 процент метан бўлиб, олтингўгурт йўқ).

1948 йилда ишлаб чиқаришнинг асосий воситалари национализация қилингач, халқ-демократияси давлати бу табиий бойликдан тўла фойдаланишга алоҳида аҳамият берди. Табиий газ чиқариш анча ўсди. Ўтган йили 9.091 миллион кубометр газ чиқарилди. Саноат корхоналари ва истеъмолчиларни газ билан таъминловчи магистрал газ ўтказиш тармоғи 1938 йилда 190 километрни ташкил этган бўлса, ҳозир 3 минг километрдан ошиб кетди.

СИЗГА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Тошкент шаҳрида 201 та омонат кассаси бўлиб, уларда 350 мингга яқин омонатчининг қариб 90 миллион сўмлик жамғармаси сақланади. Бошқача қилиб айтганда, Тошкентда яшовчи ҳар уч кишининг бири омонатчидир.

Омонат кассаларнинг вазифалари омонатчилар сафини ва омонат пуллар миқдорини кўпайтиришдан ҳамда кишиларнинг жамғарма пулларини сақлаш, яъни меҳнаткашларимизга ўз шахсий бюджетларидан яхшироқ фойдаланишда ёрдам беришдан иборат.

Омонатчи омонат кассалари ёрдамида пул сақлаб, телевизор, гилам, кир ювиш ва тикув машиналарини ҳамда ўзига керакли бошқа зарур буюмларни сотиб олиши мумкин.

Омонат кассаларига пулни турли йўллар билан қўйса бўлади.

1. Талаб қилиб олинувчи омонат. Бунда омонат сақлаш муддати белгиланмайди, ҳеч қандай шарт ҳам қўйилмайди. Бундай омонат пулларни исталган вақтда ва исталган миқдорда қўйиш, уни бўлиб-бўлиб ёки бутунисича талаб қилиб олиш мумкин. Омонат эгасига йиллик жамғарманинг 2 процента миқдорида даромад тўланади.

2. Муддатли омонат. Бунда омонат маълум бир муддатга қўйилади, яъни омонатни камида олти ой ўтгач қайтиб олиш мумкин. Бу хилда омонат қўйилганда омонатчига йиллик жамғарманинг 3 процента, омонат олти ойлик муддатга етмай қайтариб олинган тақдирда эса 2 процента миқдорида даромад тўланади.

3. Шартли омонат. Бу хил омонатлар маълум шартлар билан қўйилади (масалан, олий ўқув юртини тугаллаш, ялга етгунича ва ҳоказо) Омонат қўйиш шартлари бажарилгач, ёки кўрсатилган муддат етиб келганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга қараб пул эгасига қайтарилади. Шартли омонатлар бўйича йиллик жамғарманинг 2 процента миқдорида даромад тўланади.

4. Ютуқли омонат талаб қилиб олинувчи омонатдан шу билан фарқланадики, бунда омонатчиларга йиллик жамғарманинг 2 процента миқдорида тўланадиган даромад тираждар бўйича йилига икки марта (1 апрелдан 10 апрелгача ва 1 октябрдан 10 октябргача) ютуққа қўйилади.

5. Омонат кассаларига жорий счёт бўйича ҳам пул қўйиш мумкин. Жорий счёт бўйича ҳар қандай миқдорда пул қўйиш мумкин бўлиб, йиллик жамғарманинг 2 процента миқдорида даромад тўланади. Шунингдек, омонатчи тўлаган чек бўйича омонатнинг бир қисмини бошқа кишига ўтказиши ҳам мумкин.

Ўтган йили Тошкент шаҳридаги омонат кассалари томонидан аҳолига процент бўйича ва ютуқлар йўли билан тўланган даромад миқдори икки миллион сўмни ташкил қилган эди. Бу йил эса бундай даромадлар миқдори 3 миллион сўмдан ортади.

Жамғарилган пулни сақлашнинг яна бир тури 3 процентли Давлат ички ютуқлар заёмидир. Бундай заём облигацияларини сотишдан олинган даромадлар омонатчи каби давлат пул ресурсларининг қўшимча манбаи бўлиб, улар хўжалик ва маданий қурилишларга сарфланади.

Аҳоли 3 процентли Давлат ички ютуқлар заёми облигацияларини тобора кўпроқ сотиб олмоқда. Агар 1961 йилда шаҳар омонат кассалари томонидан сотилган заём облигациялари 1 миллион 716 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу миқдор 2 миллион 418 минг сўмга етди. Бу йил эса фақат биринчи квартал ичида 484 минг сўм миқдорида ана шундай облигациялар сотилди.

Буларнинг ҳаммаси 3 процентли ютуқлар заёмининг аҳоли ўртасида тобора кенг тарқалиб бораётганидан дарак беради. Заём облигациялари бўйича ҳар йили ўтказиладиган ютуқлар тиражида турли миқдорда ютуқлар ўйналади. Заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли ҳар бир тираж ўтказилган сайин тобора орта боради. Чунки ютуқ чиққан облигациялар тўланганидан сўнг ўз қимматини йўқотиб, кейинги тиражларда иштирок қилмайди. Тиражларда ўйналадиган ютуқлар сони эса ўзгармай қола беради.

Омонат кассаларида облигациялар чекланмаган миқдорда сотилади ва сотиб олинади. Ҳар йили заём бўйича олтита асосий ва битта қўшимча ютуқлар тиражи ўтказилади. Асосий тиражда заёмнинг ҳамма 16 разряди бўйича 7 миллион 440 минг 320 сўм миқдорида 136 минг ютуқ, қўшимча тираж бўйича эса 18 миллион 224 минг 960 сўм миқдорида 184 минг ютуқ ўйналади. Қўшимча тираждаги ютуқ ҳар бир асосий тираждагига нисбатан анча кўпдир.

Ютуқлар миқдори 5000, 2500, 1000, 500, 100 ва 40 сўм миқдорида бўлиб, қўшимча тиражда булардан ташқари 10 минг сўмлик ютуқ ҳам бор.

Асосий тиражда ўйналган ютуқлар, заёмнинг сотиб олинган муддатидан қатъий назар, омонат кассалари томонидан тўланади. Қўшимча ютуқлар тиражида эса тегишли талони бўлган облигациялар қатнашади. Шунинг учун ҳам улар қўшимча ютуқлар тиражи ўтказиладиган вақтдан тўққиз ой илгари сотиб олиниши лозим.

Тошкент шаҳрида ўтган йили 3 процентли заём бўйича аҳолига 590 минг сўм миқдорида ютуқ тўланди. Бу йил ҳам кўп кишиларга ютуқ чиқди. Масалан, 44-номерли, 52812 серияли облигация бўйича граждан И. 2500 сўм, ишчи Л. эса 41-номерли, 67294 серияли облигация бўйича 1000 сўм ютди ва ҳоказо.

Бу йил 3 процентли заём бўйича 96 ютуқлар тиражи Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кейинги йилларда кўпгина корхона, муассаса ва ташкилотларда ишчи ва хизматчиларнинг перечисление йўли билан омонат қўйиши юзасидан катта ишлар қилинди. Бундай усул билан омонат қўйишда улар омонат кассаларига мурожаат қилмай, иш ҳақларининг маълум бир қисмини ўз омонат дафтарчаларига ўтказиб қўйиш тўғрисида иш жойи бўйича бухгалтерияга ариза берадилар. Ҳар бир меҳнаткаш ўз пулларини омонат кассаларида сақлаб, ундан истаганича фойдаланиши ёки турли хил буюмлар сотиб олиши мумкин.

Давлат меҳнат омонат кассалари аҳолига хизмат қилишга даъват қилинган экан, ундан кенг фойдаланиш лозим.

А. СОАТОВ,
Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи.



Табиатнинг гўзал лавҳалари билан безанган Қорамқўл, Хумсон ва Оқтош туристларнинг энг севимли сайргоҳига айланиб қолган. Ёз ойлари бу ерларда орқасига рюкзак осиб олган туристларни ҳар қадамда учратишингиз мумкин. Суратда: Қорамқўл дарасига жойлашган тоғ-туристик лагерининг бир гуруҳ туристлари кўп кунлик походга жўнамоқдалар.

О. ЛЕВАК фотоси.

ХАЛҚ ҚУШИҚЛАРИ

ҚИЗЛАР МАДҲИ

Айтай ўлан, ёз, қўзим,
Қўлинг толмагунича.
Ҳожи оғанг торини
Куйга солмагунича.
Куйга солса созини,
Келтириб пардозини.
Лочин қизлар сингари
Кўп баланд парвозини;
Эсга тушар бирма-бир
Қайрилма қош қизларим.
Кундуз ҳеч ўхшови йўқ
Тунда: қуёш қизларим.
Не-не полвон йигитдан
Ортда қолмас қизларим.
Тошни ёрар сухони-
Сўзи олмос қизларим.
Дардга даво, дегандай
Тоғларнинг равочини,
Бири олима, бири
Даламизнинг лочини.
Тонг юлдузи чиқмасдан
Лоларанг тонг отмагай.
Шўх қизларсиз куй, қўшиқ
Кўнгилни яйратмагай.

Қўшиқни гулистонлик Сулаймон чечан Ҳожи ўғлидан Тўра Сулаймон ёзиб олган.

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги III «Интернационал» колхозининг 7-бригадаси даласида болалар боғчасининг иши намунали йўлга қўйилган. Болали аёллар бемалол далада ишлаб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: дала шийпонидаги болалар боғчасида.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ

Пойтахтимизда ҳар ҳафтада янги бир катта турар-жой биноси қад кўтаради десак муболаға бўлмас. Ана шу биноларни тиклашда Тошкент уйсозлик комбинати коллективининг ҳам ҳиссаси оз эмас.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ яна бир уйсозлик комбинати қурилади. 153-трест қурилиш пудратчиси қилиб тасдиқланди.

120 гектар майдонни эгаллайдиган бу йирик комбинат Октябрь районидаги Мевазор ва Чангалзор мавзуларида бунёд этилади. Ҳозирча бўлажак корхонанинг қозонхонаси ва вагонеткалар учун темир йўл қурилмоқда. Кузга бориб унинг атрофига 25 минг туп ҳар хил дарахт ўтказилади.

Комбинатни етти йилликнинг охирига бориб ишга туширишга мўлжалланмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

ФУТБОЛ **ҲУНУК РЕКОРД**

Бу йил «Пахтакор» командаси ўзига хос «рекорд» қўйяпти. Ҳозирча коллектив чет майдонда мамлакат биринчилиги учун ўнта матч ўтказди. Лекин биронта ҳам очко ололмади. Сўнгги ўйинни пахтакорчилар Ростов-Донда маҳаллий армиячилар билан ўтказдилар. Тошкентликлар 0:4 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

Пахтакорчилар тобора рақибларидан орқада қолиб кетмоқдалар. Жумладан, уларнинг Ленинград динамочиларидан очкодаги фарқи ҳозир тўрттага етди. Ленинградликлар кейинги турда «Крилья Советов» командасини 4:1 ҳисобида ютдилар. Бу — динамочиларнинг мавсумдаги биринчи ғалабасидир.

25 августда бўлган бошқа матчларда ҳисоб қуйидагича бўлди: Москва спартакчилари Марказий Армия Спорт клуби командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, муҳим икки очкони қўлга киритдилар. Чемпионат пешқадами — Москва динамочилари эса «Нефтяник»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Шахтёр» «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Киев) — «Локомотив» матчларида битта ҳам- тўп урилмади. Ол маота футболчилари ўз майдонида яна ютқаздилар. Улар устидан Тбилисининг «Динамо» командаси 2:1 ҳисобида ғалабага эришди. «Арарат» ўз майдонида белорус футболчилари — «Динамо» коллективини кутилмаганда 3:0 ҳисобида енгди. «Авангард» — «Зенит» мусобақасида рақиблар биттадан тўп уриб, дуранг ўйнашди.

„ЕР ВА ЭЛ"НИНГ ЯНГИ СОНИ

Ҳурматли газетхонлар! Агарда эсингизда бўлса, 1962 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Ер ва Эл» номли илмий-оммабоп географик-геологик тўпламнинг тўрт сонини нашр этган эди. Яқинда шу тўпламнинг яна бир сони босмадан чиқди. Тўпламда ўлкамиз географияси ҳамда геологиясига, халқимизнинг табиатни ўзгартириш йўлида қилаётган ишларига, республикамизнинг тобора ривожланаётган экономикасига, олимларнинг тадқиқот ва кашфиётларига, ўтмишдаги саёҳатлар тарихига, дунёдаги айрим халқ ва қабилаларнинг урф-одатларига бағишланган қизиқарли мақола ва хабарлар, ҳикоя ва очерклар босилади.

«Ер ва Эл» тўпламининг янги сони иқтисод фанлари доктори О. Аминовнинг «Истиқболи порлоқ ўлка» мақоласи билан бошланади. Мақола автори Ўрта Осиё иқтисодий райони, бу районнинг бойликлари ва истиқболи ҳақида ҳикоя қилади.

География З. Махматиллаевнинг «Хушманзара, шифобахш» мақоласида ўқувчиларни республикамизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиради, у айниқса, Шоҳимардон, Чортоқ, Бўстонлиқ, Омонқўтон ва шу каби баҳаво, курортбоп жойларни, бу жойларнинг шифобахш хусусиятларини батафсил ёритади.

География фанлари кандидати Ҳ. Ҳасанов «Фарғоналик сайёҳ» очеркида XIX асрда Қўқонда яшаб ўтган, Осиё ва Африканинг бир қанча мамлакатларига саёҳат қилган ва саёҳатда кўрган-билганлари ҳақида «Мунтаҳаб-таворих» асарини ёзиб қолдирган Ҳакимхон ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, тўпламдан жой олган «Гўзал водийнинг гўзал шаҳри» (Э. Ҳамедов), «Ўрта Осиёга меҳр қўйиб» (Н. И. Леонов), «Эркакларсиз ҳаёт» (О. Фаллачи), «Одамхўр йўлбарс изидан» (Ж. Корбетт) каби мақола ва ҳикоялар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш туғдириши мумкин.

Т. ИНОҒОМОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қизил галстук** телевизион журнали. 18.45 — **Телевизион янгиликлар,** 19.05 — **Азия и Африка сегодня** журнали саҳифаларида. 19.25 — **Шоирлар — пахтакорларга** (адабий эшиттириш).

Рус тилида: 19.45 — **Янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга тайёргарлик** (саноат ходимлари учун). 20.05 — **Телевизион янгиликлар,** 20.25 — **Ёт қариндошлар** номли бадиий фильм.

21.55 — **Эртаси куни программаси.**

Ўзбек тилида: 22.00 — **Еқубов. Муқаддас** (телевизион спектакль премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

21.05 дан — **Тошкент телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 28/VIII да **Катта концерт.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Каин XVIII — «ВАТАН», «МИР», «ИСКРА», «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (катта залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ганг дарёси оқиқан мамлакатда (1 ва 2-серия) — НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Мен яшайдиган уй — «ИСКРА» (кеч соат 5-35 минутда).

Уч плюс икки — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, кеч 6 ва 8 да).

Иван Грозний (1-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 10 да).

Моранбон — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Уйга — «ВОСТОК» (кичик залда. кеч соат 7 ва 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 ва 10-45 минутда)

Ганг дарёси оқиқан мамлакатда (1 ва 2-серия) — «ВАТАН».

Каин XVIII — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли.

Уч плюс икки — ТЕЛЬМАН номли.

Минг қиёфага кирган киши — «УДАРНИК».

Коммунист — 1 МАЙ номли.

Дўстлар цирки — «РАКЕТА».

Поддубки лапарлари — «ПОБЕДА».

713-кўнмоқчи — «ШАРҚ».

Бахтсиз ҳаёт — «МЕҲНАТ».

Калта шим кийган киши — СТЕПАН РАЗИН номли.

Қиргоққа тушиш учун рухсат — «ПАХТАКОР».

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

7 сентябрда

1963/64 ЙИЛ МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27, 28, 30 августда

Ўзбекистон ССР халқ артисти **КОМИЛЖОН ОТАНИЕЗОВ** иштирокида

ХОРАЗМ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТЛАРИ

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТДАГИ

1-автобус паркига

1 ва 2-класс шоферлар ҳамда автослесарлар

керак

Тошкент шаҳрида яшаб турган кишилар қабул қилинади.

Луначарский шоссе, 50-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин. Телефон 6-21-77, 6-13-07.

Профсоюз кўчаси, 158-уйда турувчи **Марис Юнусовнинг** Қизилтут кўчаси, 20-уйда турувчи Мунавар Аҳмедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Лабзак кўчаси, 6-тупик, 13-уйда турувчи **Баҳром Турдиевнинг** М. Горький кўчаси, 7-тупик, 32-уйда турувчи Ноиля Турдиева (Содиқова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 149-уй, 11-квартирада турувчи **Шарифа Галимяновна Абельхорисовани**нг Гвардия полковникги Хўжаев кўчаси, 9-уйда турувчи Якуб Абельхорисович Абельхорисовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Мамлакатлар **Одамлар** *Воқеалар*

БАЪЗИ ҲУКУМАТЛАР БОШҚА ДАВЛАТЛАРНИНГ СУВЕРЕН ҲУҚУҚЛАРИГА ҚАСД ҚИЛАЁТГАНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ

16 августда АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Совет ҳукуматига нота юбориб, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини Германия Демократик Республикасининг имзолагани ҳақида билдириб юборган қоғозини қабул қилмаганликларини маълум қилдилар. Шу муносабат билан, СССР Ташқи ишлар министрлиги 23 августда АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларига Совет ҳукуматининг жавоб нотасини юборди.

Совет ҳукуматининг нотасида таъкидланадики, Москва Шартномаси инсон атрофидаги муҳитнинг радийактив моддалар билан заҳарланишига хотима бериш ва қуролсизланиш проблемасининг ҳал этилишини енгиллаштириш мақсадини кўзлайди. Унинг вазифаси — давлатлар ўртасидаги муносабатларда қандайдир мушкулликлар туғдириш эмас, балки бу муносабатларнинг яхшиланишига ёрдам беришдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур Шартноманинг Германия Демократик Республикаси ҳукумати томонидан имзоланганлиги муносабати билан АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматининг тутган позицияси ўринсиз ва Москва Шартномасининг руҳига қарама-қаршидир.

Гитлерчилар рейхининг харобаларида икки суверен давлат — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси, шунингдек ҳақиқатда мустақил сиёсий единица Ғарбий Берлин аллақачон вужудга келганлиги ва мавжуд эканлиги бутун дунёга маълум, дейилади сўнгра нотада. Ҳар иккала герман давлати халқаро муносабатларда тенг аҳволда бўлиб, тенг ҳуқуқларга эгадирлар ҳамда бир хил мажбуриятларни ўз зиммаларига олганлар. Германия Демократик Республикаси — халқаро ҳуқуқнинг кенг танилган субъектидир. У кўп халқаро шартномалар ва битимларда қатнашмоқда, бундай шартнома ва битимларнинг бир қисмида у билан бирга Федератив Республика ҳам иштирок этмоқда. Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг халқаро ишларда бутун Германиянинг вакили бўлиб қатнашиш ва ягона Германиянинг йўқлиги сабабли, бинобарин Германия Демократик Республикаси номидан ҳам ҳаракат қилиш ҳақидаги даъволари тамомила асоссиздир. Бундай даъволар ҳамма томонидан танилган халқаро ҳуқуқ нормаларига хилофдир ва Ғарбий Германиядаги муайян доираларнинг реваншчилик интилишларини акс эттиради. Германия Федератив Республикаси томонидан ёки унинг таъсири остида бошқа мамлакатлар томонидан қилинаётган ёки қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай баёнотлар табиийки, Германия Демократик Республикасининг суверенитетини камситолмайди ёки унинг халқаро муносабатлардаги ҳуқуқларини чеклаб қўя олмайди. Бу хил баёнотлар халқаро муносабатларда Германия Демократик Республикаси Германия Федератив Республикаси номидан ҳаракат қила олмаганидек, Германия Федератив Республикасининг ҳам халқаро ишларда бутун Германия вакили бўлиб қатнаша олмаслиги ва Германия Демократик Республикаси номидан ҳаракат қила олмаслиги фактини ҳам ўзгартира олмайди. Бу давлатларнинг бирортаси ҳам иккинчисига бўйсунган эмас. Уларнинг ҳар қайсиси ўз суверен территорияси доирасида тўла юрисдикцияга эга.

Давлатларнинг бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслиги ва бир-бирларининг суверенитетини ҳурмат қилиши принципларига амал қилиб, Совет ҳукумати айрим ҳукуматларнинг бошқа мустақил давлатлар ҳуқуқларига ва ваколатларига қасд қилиш йўлидаги уринишларини қатъий рад этади.

Москва Шартномасининг депозитарийларидан бири бўлган СССР ҳукумати бу Шартноманн имзолаган Германия Демократик Республикасини Шартноманинг ундан келиб чиқадиган ҳамма ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ўз зиммасига олган тўла ҳуқуқли қатнашчиси деб ҳисоблайди. (ТАСС).

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЛИМА, 24 август. (ТАСС). Перу ҳукумати Москва Шартномасини имзолагани муносабати билан мамлакатнинг ташқи ишлар министрлиги ахборот эълон қилди. Ахборотда эришилган битим барча халқларнинг тинчликда яшашига интилишларига мос бўлиб тушади, деб айтилади. Ташқи ишлар министрлиги таъкидлайдики, ядро синовларини таъқиқлаш тўғрисида Шартнома «ядро синовлари инсоният учун тўғдираётган хавфсизлик устидан таъсирли контрол чораси ҳамда давлатлар ўртасидаги янада кўпроқ ҳамжиҳатлик йўлидаги самарали муваффақиятдир».

АНГЛИЯ ҚУЮВЧИЛАРИ ШАРТНОМАНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 24 август. (ТАСС). Қуювчилар бирлашган касаба союзининг миллий кенгаши (бу касаба союз сафларида 70 минг ишчи бор) баёнот чиқариб, унда Москвада имзоланган ядро синовларини тақиқлаш ҳақидаги Шартномани маъқуллади. Қуювчилар касаба союзи, дейилади баёнотда, Шартномани халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги қадам деб ҳисоблайдилар.

Қуювчилар Англия ҳукуматини ядро қуролининг йўқотилишига эришишга даъват этадилар.

АФРИКА-ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. (ТАСС). Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Африка-Осиё группасининг мажлиси бўлди. Мажлисда Жанубий Вьетнамда вужудга келган аҳволни қараб чиқмоқ учун Бош Ассамблеянинг махсус сессиясини чақириш тўғрисидаги таклиф муҳокама қилинди, деб хабар беради БМТ штаб-квартирасидан Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири.

Бош Ассамблеянинг ана шундай сессиясини чақириш тўғрисидаги таклифни қувватлашга эришиш юзасидан Цейлон вакилининг зўр ғайрат билан қилган интилиши, деб кўрсатади мухбир. Африка-Осиё мамлакатларининг кўпгина вакиллари томонидан ижобий кутиб олинди.

Москва Шартномасини 75 мамлакат имзолади

ВАШИНГТОН, 24 август. (ТАСС). Уч муҳим ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини шу кунгача бу ерда 75 мамлакат имзолади.

ФРАНЦИЯ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

ПАРИЖ, 24 август. (ТАСС). Ядро синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини қувватлаётган француз жамоат ва сиёсий ташкилотларининг сони кун сайин кўпаймоқда.

Франция хотин-қизлари союзининг бюроси бугун «Юманите» газетасида эълон қилинган баёнотида бу Шартномани «бутун дунёда тинчлик кучларининг катта ғалабаси» сифатида табриклайди.

Генерал де Голль, деб таъкидланади бу баёнотда, «ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги ҳозироқ юздан ортиқ ҳукумат маъқуллаган Шартномани имзолашдан бош тортмоқда. Де Голль ўз ядро синовларини давом эттириш ҳамда зарбдор кучни вужудга келтириш ниятидан қайтмаётир ва Франция манфаатларини қурбон қилаётир. Бироқ, халқ ироқаси Франция ҳукуматининг ўжарлиги устидан ғолиб чиқиши мумкин.

Франция хотин-қизлар союзининг бюроси ўзининг ҳамма аъзоларига мурожаат қилиб, Франция тинчлик тарафдорлари петициясига қўл қўйишга чақиради. Бу петицияда де Голль ҳукуматининг Москва Шартномасига қўшилиши, Женевадаги 18лар комитети ишида ҳамда тинчликни таъминлаш юзасидан бошқа музокараларда иштирок этиши талаб қилинади.

ГЕРХАРДСЕН ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ОСЛО, 24 август. (ТАСС). Бугун эрталаб бош министр Эйнар Герхардсен Норвегия короли Улаф V ҳузурига бориб, унга ҳукуматнинг истеъфо бергانлиги ҳақидаги аризани топширди.

РАКЕТА УЧИРИШ МУВАФФАҚИЯТСИЗ ЧИҚДИ

ТОКИО, 24 август. (ТАСС). Бугун «Утиноура» синов полигонида (Кагосима префектураси) космик фазони тадқиқ қилиш учун икки босқичли ракетани учиришга уриниб кўрилди. Ракета бортида 175 килограмм вазнли илмий-текшириш аппаратлари ўрнатилган эди.

Тадқиқот программасида космик нурларни, Ернинг магнит майдонини ва бошқа масалаларни ўрганиш кўзда тутилган эди. Бироқ, ракетанинг иккинчи босқичи ишламай қолганлиги муносабати билан программанинг амалга оширилиши юзасидан шубҳа билдирилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 24 август. (ТАСС). АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси неча чет давлатларга ёрдам кўрсатиш программаси бўйича ажратилган маблағларни 3,5 миллиард долларгача камайтирди. Президент бу маблағларни 4,5 миллиард доллар миқдорида тасдиқлашни сўраган эди.

Чет давлатларга ёрдам кўрсатиш программаси бўйича маблағларнинг бу қадар қисқартирилиши АҚШ ҳукумати учун бутунлай кутилмаган бир ҳол бўлди.

Овоз бериш натижалари эълон қилинганидан кейин дарҳол АҚШ президенти Жон Кеннеди Оқ уйда матбуот конференцияси ўтказиб, унда маблағларнинг қисқартирилишини «мислсиз, асоссиз ва аҳлга тўғри келмайдиган» қарор деб атади.

Кеннеди бу қарор Қўшма Штатлар иккинчи жаҳон уруши тамом бўлган вақтдан бери ўтказиб келаётган ташқи сиёсатга жиддий путур етказади, деб айтди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 55885. Саноат ишлаб чиқариш ва партия ишлари бўлими 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30247 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06991. Индекс 64695. Нашр. № 1665.

Редактор М. ҚОРИЕВ.